

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 78 (600), 2022 йил 20 апрель, чоршанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



МАҲАЛЛАБАЙ ИШЛАШ ТИЗИМИ НАТИЖАДОРЛИГИ ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 19 апрель куни маҳаллабай ишлаш тизими натижадорлигини ошириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Бу вазифалар ижроси кўп жиҳатдан ҳудудлардаги иқтисодийётга боғлиқ. Шу боис, яқинда тадбиркорликни ривожлантириш учун 500 миллион доллар ва 2 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилиши белгиланди. Айни пайтда тадбиркорларни энг безовта қилаётган солиқ маъмурчилиги, текширувлар, рухсатномалар тартиби енгиллаштирилди.

Йиғилишда шу ишларни қуйи тизимда ташкил этиб, маҳаллаларни иқтисодий ривожлантириш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги фармонида муроғат, ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси лавозими таъсис этилган эди. Бу — янги тизим. Уни тўғри йўлга қўйиб олиш жуда муҳим.

Шу боис, йиғилишда ҳоким ёрдамчилари фаолиятининг дастлабки натижалари қўриб чиқилди. Қайд этилганидек, улар уч ой давомида 6 миллион 900 минг хонадонни хатловдан ўтказиб, 4 та тоифага ажратган. Хонадонларнинг 11 фоизи кам даромадли, 47 фоизи қўшимча даромадга эҳтиёжи бор, 6 фоизи ижтимоий ҳимояга муҳтож, 36 фоизи ўзига тўқ оилалар экани аниқланган. Шунга қараб маҳаллий раҳбарлар

фаолияти манзилли ташкил этилиб, минглаб фуқароларнинг ишга жойлашиши, касб-хунар ўрганишига қўмаклашилган.

Шу уч ойда ҳоким ёрдамчиларининг ташаббуси билан 50 мингта оилавий тадбиркорлик лойиҳалари учун 1 триллион 300 миллиард сўм кредит ва 20 миллиард сўм субсидия ажратилган. Натижада жойларда 47 мингта янги тадбиркорлар фаолияти йўлга қўйилган, 8 мингта кичик саноат ва сервис лойиҳалари ишга туширилган.

Давлатимиз раҳбари энг яхши натижа кўрсатган ҳоким ёрдамчиларини мукофотлашга кўрсатма берди.

Лекин ҳали натижа сезилмаётган маҳаллалар кўп. Мисол учун, 450 та маҳаллада ишсизлик даражаси 20 фоиздан юқори.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда шундай ҳудудлар кўрсатиб ўтилди ва уларнинг ҳокимлари огоҳлантирилди. Бир қатор шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, сектор бошлиқлари вазифасидан озод қилинди.

— Одамларни рози қилмаган, инсон қадрини тушулмаган раҳбарларга орамизда ўрин йўқ, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ўрганишлар давомида “қоникарсиз” деб баҳоланган маҳаллалардаги ҳолатни яхшилаш бўйича кўрсатмалар берилди. Бунинг учун бюджет харажатларини оптималлаштириш ҳисобидан 800 миллиард сўм ажратилади.

Энди ҳар бир маҳалла ихтисослашуви бўйича қўллаб-қувватланиши таъкидланди.

Мисол учун, 2 минг 500 та маҳалла чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичиликка ихтисослашган. Улар қўшимча қўллаб-қувватланиб, омилкор одамларга инкубатор, хонаки товуқ, асалари уялари етказиб берилса, аҳоли даромади янада ошади.

Умуман, хонадонларда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик йўналишларида 140 минг нафар аҳоли бандлигини таъминлаш мумкинлиги айтилди.

Хунармандчилик, тикувчилик, косибчилик, қандолатчилик каби кичик ишлаб чиқариш лойиҳаларини маҳалланинг ўзидан кенгайтирса бўлади. Президентимиз шу мақсадда бундай маҳаллаларда микросаноат марказлари ташкил этиш ташаббусини маъқуллади.

Жорий йилда бу мақсадларга 500 миллиард сўм йўналтирилиши, ушбу марказлар 5 йил муддатга ер ва мол-мулк солиғидан озод қилиниши белгиланди.

Шунингдек, жойларда аниқланган бўш бино-иншоотлардан самарали фойдаланиш, уларни сотиш ёки ижарага беришдан тушган маблағларни ўша маҳалланинг инфратузилмасини ривожлантиришга сарфлаш зарурлиги қайд этилди.

Хотин-қизлар ва ногиронлиги бор шахсларни иш билан таъминлашда қўлай йўналиш бу — касаначилик. Шу

мақсадда Ўзбекистон Президентининг касаначиликни ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини таъминлашга доир қарори имзоланди.

Энди касаначилар билан ишлайдиган тадбиркорларга оилавий тадбиркорлик дастуридан 500 миллиард сўм йўналтирилади. Кредитлар бўйича Тадбиркорлик жамғармасидан 75 фоизлик кафилик берилади ҳамда фоиз харажатларининг 10 фоиздан юқори қисми қоплаб берилади.

Шунингдек, касаначиларга ўзини ўзи банд қилган фуқаролар каби фақат ижтимоий солиқ тўлаш имконияти яратилади, олис ҳудудда ишлаётган касаначиларнинг дастлабки 1 ойлик иш ҳақи давлат томонидан қопланади.

Вилоят ҳокимларига ушбу имкониятлардан фойдаланиб, эҳтиёжманд аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Юртимизда 2 мингдан зиёд маҳалла хизматлар соҳасига ихтисослашган. Бундай ҳудудларни кўпайтириш мақсадида аҳолиси 20 мингдан ошадиган маҳаллаларда чакана савдо ва хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. Бу марказлар ҳам 5 йил муддатга ер ва мол-мулк солиғидан озод этилади.

Видеоселектор йиғилишида ҳокимлар, уларнинг ёрдамчилари маҳаллабай ишлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш режалари бўйича ахборот берди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ҲУДУДЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ҳудудларда амалга оширилаётган тадбиркорлик лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик ташаббусларининг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш орқали кичик ва ўрта тадбиркорлиқни янада ривожлантириш мақсадида:

1. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Марказий банкнинг кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиялаштириш учун тижорат банклари Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан 300 миллион АҚШ доллари эквивалентига кредит линиясини ажратиш тўғрисидаги тақлифи маъқулланди.

2. Белгилансинки: кредит линияси тижорат банклари 7 йил муддатга, шу жумладан, 3 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 10 фоиз ставкада миллий валютада ажратилади;

тижорат банклари томонидан кредитлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш (бундан қурилиш, савдо, воситачилик соҳасидаги лойиҳалар, шунингдек, акцизоти товарлар ишлаб чиқарувчилар, давлат корхоналари ва устас жамғармасида (устас капиталда) давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар ҳамда айланма маблағларни тўлдирish ҳолатлари мусатасно) учун йиллик 14 фоиз ставкада, 5 йилгача муддатга, шу жумладан, 2 йилгача бўлган имтиёзли давр билан 5 миллиард сўмгача миқдорда ажратилади;

тижорат банклари томонидан кредитлар даври 6 ойгача бўлганда 1 миллиард сўмгача, 6 ойдан 1 йилгача бўлганда 2 миллиард сўмгача, 1 йилдан 2 йилгача бўлганда 3 миллиард сўмгача, 2 йилдан 3 йилгача бўлганда 4 миллиард сўмгача ва 3 йилдан ошганда 5 миллиард сўмгача кредитлар ажратилади;

кредит линияси маблағларининг камидан 70 фоизи Нукус шаҳридан, вилоятларнинг маъмурий марказларидан ва вилоят бўйсунувида бўлган шаҳарлардан ташқари ҳудудларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларга ажратилади.

3. Мазкур қарор доирасида ажратилган кредит линиясидан самарали фойдаланилишини мувофиқлаштириш Бош вазир

ўринбосари С.У.Умурзаков томонидан амалга оширилади ва унга қуйидаги вазифалар юклатилади:

кредит маблағларига талаб ва лойиҳаларнинг истиқболи ва қўшимча иш ўринлари яратишга қаратилганидан келиб чиқиб, кредит линияси ресурсларини ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар) ва тижорат банклари кесимида тақсимлаш;

лойиҳа фабрикалари ва лойиҳа гуруҳлари томонидан тижорат банклари билан ҳамкорликда лойиҳа ва лойиҳаолди ҳужжатларнинг сифатли ва қисқа муддатларда ишлаб чиқирилишини таъминлаш;

тижорат банклари субъектлари ҳамда тижорат банклари томонидан кредит линияси маблағлари самарали ва манзилли ишлатилиши устидан тизимли мониторинг ишларини ташкил этиш;

вазирлик, идора ва ҳудуд раҳбарларининг кредит маблағларини ўзлаштириш, лойиҳаларни амалга ошириш ва белгиланган муддатда ишга тушириш тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиб бориш.

4. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (Ш.Вафоев) ресурслар ҳудудлар ва тижорат банклари кесимидаги тақсимотга мувофиқ тижорат банкларининг талабномаси келиб тушганда сўнг уч кунлик муддатда тижорат банкларига жойлаштирилишини таъминласин.

5. Тижорат банклари Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ажратаётган маблағларнинг тадбиркорлик субъектлари томонидан мақсадли ишлатилиши ва қайтарилиши устидан тизимли мониторинг ҳамда назорат қилиш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

7. Молия вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда ушбу қарордан келиб чиқиб “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 19 апрель

Давоми 2-бетда

ЁШЛАР СИЁСАТИ

ЯНГИ АМАЛИЁТ — ЎХШАШИ ЙЎҚ ТИЗИМ

Буғун бутун дунё “Янги Ўзбекистонни янги ташаббуслар ва инсонларвар ислохотлар мамлақати”, дея эътироф этмоқда. Бу, албатта, эртанги кунга бефарқ бўлмаган ҳар бир юртдошимизга ифтихор бағишлайди. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган Ўзбекистоннинг бетақорор ва тақорорланмас тажрибалари орасида яна бир муҳим янги амалиёт борки, уни дунёнинг ҳеч бир мамлақатида учратмайсиз. Бу — ёшлар муаммоларини мамлакатимиздаги 9 минг 300 дан зиёд маҳаллада бевосита ҳал этиш билан шуғулланувчи ёшлар етакчиси фаолиятининг йўлга қўйилгани.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан жорий этилган маҳалладаги ёшлар етакчиси институтининг ташкил этилиши қатор ижобий жиҳатлари билан муҳим аҳамиятга эга.

Давоми 3-бетда

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ — АМАЛДА



ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИНИ РИВОЖЛАШТИРИШ ҲАЁТНИНГ УСТУВОР ТАЛАБИ

Президентимиз жорий йил 18 март куни соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан ўтказган очиқ мулоқотида аҳолига арзон, сифатли дори-дармон ва тиббийёт воситаларини узлуксиз етказиб бериш кераклигига алоҳида тўхталган эди.

Давоми 2-бетда

ОЗИҚ-ОВҚАТ НАРХ-НАВОСИНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

2022 йил учун мақсадлар

7,7 млн. тонна буғдой ➡ 23 млн. тонна мева-сабзавот етиштириш ➡ 1,5 млрд. доллар экспортни таъминлаш



Янги қўшилаётган 300 минг гектардан зиёд ер майдонларидан самарали фойдаланиш мақсадида бу ерларда фақат озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилади.

Ҳосилдор уруғ ва кўчат навларини жойларга етказиш ва маҳсулотни сотиб олишга Қишлоқ ҳўжалиги жамғармасидан қўшимча 300 млрд. сўм ажратилади.

Фойдаланишдан чиққан 135 минг гектар ерни ўзлаштириш ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун республика бюджетидан 170 млрд. сўм ажратилади.

Аҳоли томорқаларида энг катта муаммо ҳисобланган сув таъминотини ҳал этиш бўйича:

экин турлари жойлашувидан келиб чиқиб, аҳоли томорқаларини сўғориш учун 4 млрд. куб метр сув тақсимланади;


ҳар бир маҳалла кесимида ариқ очиш, тозалаш, томорқаларни тиклаш бўйича график тасдиқланиб, ишлар бошланади.

Бу ишлар учун:

Республика бюджетидан 50 млрд. сўм

Маҳаллий бюджетлардан 50 млрд. сўм йўналтирилади

Шу билан бирга, сув таъминоти оғир маҳаллаларда қудуқ қазиш ва насос ўрнатиш харажатларининг бир қисmini қоплашга бюджетдан 50 млрд. сўм ажратилади.



Сув танқислигининг оқибатларини юмшатиш бўйича алоҳида дастур қабул қилинади.

1 октябрга қадар:

4,5 минг километр сўғориш тармоқларини тозалаш ва 231 километрини бетонлаш;

3 мингта гидротехник иншоотни таъмирлаш;

3,5 мингта насос ўрнатиш, 490 километр насос қувурларини таъмирлаш ва 281 та қудуқ қазиш ишлари якунланади;

ушбу мақсадлар учун 300 млрд. сўм маблағ босқичма-босқич ажратилади.



ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ — АМАЛДА

ФАРМАЦЕВТИКА САНОВАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАЁТНИНГ УСТУВОР ТАЛАБИ

Муҳсинжон ХОЛМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва
ислохотлар маркази директори ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Ўшанда тиббиёт тизимини ривожлантиришга доир еттига йўналиш белгиланган, унинг олтинчисидида фармацевтика сановатини ривожлантириш, пировардида, аҳолини арзон ва сифатли дори-дармон билан таъминлаш кўзда тутилганди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда энг зарур бўлган дори-дармон воситалари нархини камида 30 фоизга арзонлаштириш бўйича барча чоралар қўрилиши, маҳаллий дори воситалари билан таъминлаш даражаси 80 фоизга етказилиши, бу мақсадларга эришиш учун миллий фармацевтика тармоғи ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши ҳақида айтган эди.

12 апрель куни Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида фармацевтика соҳасини ривожлантириш масалалари бўйича кенгайтирилган йиғилишда бу борадаги масалалар яна бир бор батафсил муҳокама қилиниб, тармоқдаги бугунги ҳолат, долзарб муаммолар ва уларни ҳал этиш ҳамда янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Аҳоли саломатлигини сақлашда фармацевтика сановатининг алоҳида аҳамиятга эга эканини эътиборга олиб, Янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегиясида мазкур соҳани ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратилган. Унда яқин келгуси даврда мамлакатимизда дори воситалари ишлаб чиқаришни 3 баробарга ошириш вазифаси қўйилган. Мазкур вазифани бажаришни таъминлаш учун жорий йилнинг январь ойида тармоқни ривожлантиришнинг 5 йиллик дастури қабул қилинди.

“Лекин дори ишлаб чиқариш тизимидаги ишларнинг бугунги ҳолати билан бу марраларга эришиб бўлмайди”, деди давлатимиз раҳбари. Чунки Ўзбекистон аҳолисининг йиллик эҳтиёжи 1500 дан ортиқ турдаги умумий қиймати 1,6 миллиард долларлик дорига тенг. Айни пайтда мамлакатимизда 647 турдаги дори ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, лекин дорининг 1,2 миллиард долларлик, яъни асосий қисми хориждан импорт қилиняпти.

Давлат раҳбари ҳудудларнинг дори билан таъминланганлик даражаси мутлақо қониқарсиз эканини қайд этди. Масалан, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Бухоро ва Фарғона вилоятларида аҳоли истеъмол қиладиган дори ва тиббий воситаларнинг аттиги 2-5 фоизи маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳиссасига тўғри келади. “Шунинг учун ўзимизда ишлаб чиқарилган дори воситаларни кўпайтириш бўйича кескин чоралар кўришимиз шарт”, деди Президент.

Мазкур йиғилишга тайёргарлик кўриш жараёнида Президент топшириғига қўра, мутасадди идоралар раҳбар ва вакиллари мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча фармацевтика корхоналари билан учрашувлар ўтказди. Мулоқотлар чоғида дорихўналар томонидан тармоқнинг ривожига тўсиқ бўлаётган 50 га яқин муаммо кўрсатилди. Масалан, тиббиёт муассасалари томонидан давлат харидларида дори воситаларини “савдо номи” билан жойлаштириш, бир неча дориларни битта лотга қўйиш ҳолатлари мавжуд. Маҳаллий корхоналар амалда 15 фоизлик нарх преференциясидан фойдалана олмаяпти. Хорижда юз бераётган сўнгги ноҳуш воқеалар таъсирида аҳоли учун энг керакли 150 турдаги дори ва тиббий воситаларни импорт қилишда узил-пишлар бўлиши ҳавфи пайдо бўлди. Тиббий ва дори маҳсулотларни 3 йилгача кафолатли сотиб олиш (офтейк) тизимини жорий қилиш тизими йўлга қўйилган бўлса-да, мазкур йўналишда ишлар ҳали бошланмаган. Ички бозорда қалбаки ва контрафакт дорилар сотилишига қарши таъсирчан чоралар қўрилмаяпти.

Биргина мисол. Тегишли идоралар томонидан 2021 йилнинг ўзида 24 турдаги қалбаки, 400 турдаги сифатсиз, 1,5 мингдан зиёд номдаги контрафакт ва 2,5 минг номдаги рўйхатдан ўтмаган дори ва тиббиёт буюмлари савдоси аниқланган. Йиғилишда Бош прокуратурага ушбу масалани алоҳида назоратга олиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Аҳолини сифатли ва арзон дори билан таъминлаш биргина фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг иши, деб қараш нотўғри. Бу бора-

да соҳага дахлдор барча вазирлик ва идоралар биргаликда ҳаракат қилиши мақсадга мувофиқ. Масалан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги аҳолининг дори воситаларига бўлган талабини аниқлаши ва сифатли маҳаллий дориларни қидириб топиши, Молия вазирлиги кафолатли давлат харидларини жорий қилиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирокини кенгайтириши, Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги эса мамлакатимизда фармацевтика сановатини ривожлантириш борасида яратилган кенг имкониятлардан фойдаланиб, лойиҳаларни кўпайтириши талаб этилади.

Тошкент шаҳрида ташкил этилган фармацевтика паркиннинг ўзида жорий йилда 50 миллион долларлик 2 та лойиҳани ишга тушириш режалаштирилган. Келгуси 3 йилда эса мазкур кластерда жами 280 миллион долларлик 6 та корхонани ишга тушириш кўзда тутилган.

Айрим вилоятлар фармацевтика корхоналарини ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқарувчилар муаммоларини ўрганиш ва уларни қўллаб-қувватлашга етарли эътибор қаратилмапти. Худуд раҳбарлари мавжуд 200 дан ортиқ дори ишлаб чиқарувчи корхоналар билан учрашиб, улар фаолиятини таҳлил қилганда, муаммоларнинг кўпи жойида хал бўлиши мумкинлиги қайд этилди. Афсуски, улар бу ишни қилмаган. Хусусан, Бухоро, Жиззах, Навоий,



Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида биттадан фармзавод мавжуд бўлса-да, келгуси 2 йилда ҳам бор-йўғи 2 тадан янги фармацевтика корхонаси ташкил этиш режалаштирилгани етарли эмас, деб баҳоланди.

Фармацевтика тармоғини кенгайтириш, давлат томонидан яратилаётган имкониятлардан янада самарали фойдаланиш мақсадида, фармацевтика соҳасидаги энг машҳур 10 та брендини жалб қилиш бўйича тизимли вазифалар берилди.

Шунингдек, йиғилишда давлат раҳбари дори воситаларини маҳаллийлаштириш даражасини кескин ошириш имкониятларини кўрсатиб ўтди. Бунинг учун Инвестициялар лойиҳа маркази томонидан ишлаб чиқилган умумий қиймати 800 миллион долларлик 18 та йирик истиқболли лойиҳа бўйича инвестицияларни жалб қилиш вазифаси қўйилди. Бунда, жумладан, Хиндистон билан Андижонда онкология ва гепатитга қарши дорилар ишлаб чиқариш, Германия ва Туркия билан Тошкент шаҳри, Тошкент вилоятида юрак-қон томир ва нафас йўллари, юқумли касалликларни даволаш, Хитой ва Корея билан Наманган, Самарқанд, Сирдарёда тиббий буюмлар ишлаб чиқаришда ҳамкорликни йўлга қўйиш каби лойиҳалар бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

Дори ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича ҳам қатор чоралар белгиланди. Жумладан, дори ишлаб чиқариш учун асос бўладиган ва қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган хомашёлар рўйхатини ҳозирга қадар 5 та вазирлик тасдиқлаш ва бу рўйхат 5 йилдан буён янгиланмаган эди. Бундан кейин мазкур рўйхат Инвестициялар вазирлиги, Божхона қўмитаси ва Фармацевтика агентлиги томонидан тасдиқланиши белгиланди.



Асосий дори воситаларини Ўзбекистонда ишлаб чиқариш ва улар билан тиббиёт муассасалари ва дорихоналарни ўз вақтида таъминлаш тизимини яратиш, бунда талаб юқори бўлган 120 турдаги дори воситаларини маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан 3 йил муддатга кафолатли харид қилиш бўйича шартномалар тузилади. Ҳозирги кунда ушбу дориларни хориждан импорт қилишга йилга 300 миллион доллар сарфланмоқда.

Айни пайтга қадар ишлаб чиқариш йўлга қўйилаётган 25 турдаги дорилар дарҳол сотиб олинади. Мутасадди ташкилотлар муҳим дорилардан 70 турини ишлаб чиқариш ва уларни харид қилиш чора-тадбирларини белгилайди. Бунда онкология, гематология, эндокрин ва вирусли касалликларни даволашга мўлжалланган дориларга алоҳида эътибор қаратилади.

ишлаш ҳамда юқори қўшилган қийматли фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида 2017 йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлик-фарм” ва “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зоналари ташкил этилган эди.

Мазкур 7 та эркин иқтисодий зона томонидан доривор ўсимликлар хомашёсини табиий шароитларда етиштириш ва қайта ишлаш, плантациялар ташкил этиш, маҳаллий доривор ўсимликлар хомашёси ва материаллари негизида фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Шифобахш ўсимликлар етиштирадиган 600 гектар экин майдони яратилди.

Шу билан бирга, табобат эҳтиёжлари учун шифобахш гиёҳларни маданий ҳолда етиштириш қўламлирини кескин кенгайтиришга эҳтиёж мавжуд. Шунинг учун йил охирига қадар 80 та ҳудудни доривор ўсимликларни етиштиришга мослаштириб, қўшимча 7,5 минг гектарда плантациялар ташкил этиш вазифаси қўйилди. Жумладан, жорий йилнинг ўзида заъфарон плантациялари камида 5 баробарга кўпайтирилади. Тошкент вилоятида баҳамул, Наманганда наъматак, Фарғона ва Андижонда олаўт каби доривор гиёҳларни аҳоли хонадонларида етиштириш йўлга қўйилди.

Уларнинг маълум қисмини хорижга сотиш ҳам мумкин. Шунинг учун экспортбон доривор ўсимликларини етиштиришни кенгайтириш мақсадида бу соҳага кооперация ва оилавий тадбиркорлик учун назарда тутилган барча имтиёз ва молиялаштириш тартиблари татбиқ этилади. Жумладан, доривор ўсимликларни қайта ишлайдиган корхоналар 2025 йил 1 январга қадар ускуна ва эҳтиёт қисмлар, хомашё импортида божхона божидан озод қилинади. Тайёр маҳсулотлар экспорти учун транспорт харажатларининг 50 фоизгача қисми қоплаб берилди. Ҳар 10 гектар плантацияга сув чиқариш учун 600 минг сўмдан субсидия ажратилади. Доривор ўсимликлар плантацияларига бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш таққиланади.

Янги лойиҳаларни бошлашга ҳамда айланма маблағларни тўлдириш учун қишлоқ хўжалиги жамғармасидан 100 миллиард сўм ажратилади. Бундан ташқари, Молия вазирлиги 50 миллиард сўм, тегишли вазирлик ва идораларга эса вилоят ҳокимлари билан биргаликда Жиззах, Тошкент вилояти ва Сурхондарёдаги ишлаб чиқарувчиларнинг электр ва сувдан, Самарқандда табиий газдан, Хоразмда электрдан муаммоларини ҳал этиш учун бир ой муддатда кичик саноат зоналарида инфратузилмани яхшилашга ажратилган маблағлар ҳисобидан 50 миллиард сўм йўналтириш топширилди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳам янги лойиҳаларни молиялаштиришга ҳамда айланма маблағларни тўлдириш учун кредитларга 2022 йилнинг охирига қадар 200 миллион доллар жалб қилади.

Охириги йилларда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган дори воситалари ва тиббиёт жиҳозларини экспорт қилиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Лекин экспортнинг 83 фоизи Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларига тўғри келяпти, қолган ҳудудларда бу масала талабга жавоб берадиган аҳволда эмас. Шу боис, мутасаддиларга йил якунигача фармацевтика маҳсулотлари экспортини 2 баробарга кўпайтириб, унинг умумий ҳаҳминин 105 миллион долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда белгиланган вазифа ва чора-тадбирлар фармацевтика сановатини жадал ривожлантириш, беморларни сифатли ва арзон дори воситалари билан узлуксиз таъминлашни ташкил этиш, жумладан, аҳоли эҳтиёжининг катта қисмини маҳаллий дори воситалари ҳисобига қоплаш, шифобахш ўсимлик ва гиёҳлардан дори ишлаб чиқариш микдорини кескин кўпайтириш, фармацевтика маҳсулотлари ва тиббиёт жиҳозларининг экспортини кенгайтириш масалаларини ҳал этишга асос бўлиб хизмат қилади. Пировард натижада эса Янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегиясида алоҳида вазифа қилиб қўйилган халқимиз фаровонлигини ошириш ва саломатлигини таъминлашдек умумдавлат ишга катта ҳисса қўшади.

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ:

ҲАМКОРЛИККА 30 ЙИЛ

Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида жорий йил 5-15 апрель кунлари Инчон шаҳрида “Ўзбекистон — Жанубий Корея: ҳамкорликка 30 йил” мавзусида фотокўргазма ташкил этилди.

Тадбир Жанубий Корея — Ўзбекистон бизнес ассоциацияси билан ўзаро ҳамкорликда ўтказилди.

Кўргазмада икки мамлакатнинг дўстона муносабатлари, мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти, шунингдек, баҳор байрами — Наврўзи олам билан боглиқ бой анъана ва маданиятни ўзида акс эттирган қирққа яқин фотосурат намойиш қилинди.

Унда профессионал сурат усталарининг ишлари билан бир қаторда ўзбекистонлик ҳаваскор фотосуратчиларнинг асарлари ҳам тақдим этилди.

Бундан ташқари, фотокўргазма доирасида хунармандчилик, зардўзлик, ёғоч уймакорлиги, ипак маҳсулотлари ва сопол буюмлар ҳамда халқ амалий

санъатининг бошқа намуналари намойиш этилди.

Фотокўргазма меҳмонлари ушбу тадбирнинг Корея Республикаси аҳолисига Ўзбекистондаги бой маданий мерос, унинг бағридаги тарихий обидалар, миллий байрамларининг ёрқин ранглари билан яқиндан танишиш имконини берганини қайд этдилар.

Ун кун давом этган ушбу кўргазма иши билан минг нафардан ортиқ ўзбек маданияти ихлосмандлари — корейс ва бошқа миллатлар вакиллари, ушбу мамлакатда таҳсил олаётган ва меҳнат фаолиятини олиб бораётган ватандошларимиз танишди.

Кўргазмага келган меҳмонлар таассуротлари ҳақида “Дунё” АА мухбирига сўзлаб бердилар.

Сонг Де Хе,
тадбиркор,
кўргазма
иштирокчиси:

— Мен Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 30 йиллиги билан ҳар икки мамлакат халқларини чин қалбимдан табриқлайман. Ўтган йил декабрь ойида Ўзбекистон Президенти Жанубий Кореяга давлат ташрифи билан келган эди. Ушбу олий даражадаги ташриф икки мамлакат алоқаларини янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Корея Республикаси ва Ўзбекистон тадбиркорлари ўртасидаги муносабатларнинг янада фаоллашиб бораётгани қувонарли ҳолдир. Мен бугун Инчон шаҳрида бўлиб ўтаётган кўргазмага келиб, Ўзбекистоннинг бой маданияти ва санъати, тарихий обидаларини ўзида

Ку Мин Ёнг,
тадбир
иштирокчиси:

— Кўргазмада намойиш этилаётган асарлар нафақат икки мамлакат ўртасидаги алоқалар ҳақида, балки Ўзбекистоннинг иқтисодиёти, илм-фани, санъати ва маданиятини ҳам ўзида акс эттирган. Кўргазма иши билан танишар эканман, Ўзбекистон ҳақида янада кўпроқ маълумот олиш имкониятига эга бўлганимни таъқидламоқчиман.

Айни пайтда мен ўзбек тилини ўрганяпман. Келажакда ўзбек тилини пухта ўрганиб, Ўзбекистоннинг машҳур тарихий шаҳарларига сайёҳат қилишни режалаштирганман.

Ку Мин Ёнг,
тадбир
иштирокчиси:

— Кўргазмада намойиш этилаётган асарлар нафақат икки мамлакат ўртасидаги алоқалар ҳақида, балки Ўзбекистоннинг иқтисодиёти, илм-фани, санъати ва маданиятини ҳам ўзида акс эттирган. Кўргазма иши билан танишар эканман, Ўзбекистон ҳақида янада кўпроқ маълумот олиш имкониятига эга бўлганимни таъқидламоқчиман.

Айни пайтда мен ўзбек тилини ўрганяпман. Келажакда ўзбек тилини пухта ўрганиб, Ўзбекистоннинг машҳур тарихий шаҳарларига сайёҳат қилишни режалаштирганман.

“Бу ерга келиб, ўзимни Ватанимда юргандек ҳис қилдим. Келажакда мен ҳам замонавий биллиملарни эгаллаб, юртимиз равнақи учун хизмат қилишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

Шерзодбек Нозимжонов,
Инчон шаҳридаги
Инха университети
талабаси:

— Жанубий Кореяда истиқомат қилаётган ватандошлар қатори мен ҳам Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишлаб ташкил этилган кўргазмага келдим. Ушбу тадбир Жанубий Кореяда яшаётган Ўзбекистон фуқаролари учун байрамона муҳит яратиш, шунингдек, Ўзбекистон маданияти, тарихи ва анъаналарини хорижда кенг тарғиб қилиш нуқтани назаридан жуда муҳим аҳамият касб этади. Бу ерга келиб, ўзимни Ватанимда юргандек ҳис қилдим. Келажакда мен ҳам замонавий биллимлари эгаллаб, юртимиз равнақи учун хизмат қилишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

Аброрбек Ҳасанов,
Инчон шаҳридаги
Инха университети
талабаси:

— Бугун жанубий корейлик ва ўзбекистонлик дўстларимиз билан биргаликда Инчон шаҳрида ташкил этилган миллий кўргазмага келдик. Бу ердаги муҳитни қўриб, яна бир бор Ватанимизга боргандек ҳис қилдик ўзимизни. Албатта, бундай тадбирлар юртимиздан узоқда юрган биз каби талабаларда Ватан ҳиссини янада мустаҳкамлайди.

“Дунё” АА
Сеул



“

Қарор билан Ҳаракатлар стратегияси доирасида йўлга қўйилган ва давом эттирилиши зарур бўлган масалалар маҳалладаги ёшлар етакчисининг 5 та асосий вазифаси сифатида белгиланганини қайд этиш керак. Хусусан, ёшлар етакчисининг биринчи асосий вазифаси: “Ёшлар баланси”ни шакллантириш, ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформаларига киритиб бориш, улар билан самарали иш ташкил қилиш.

ЯНГИ АМАЛИЁТ

Ўхшаши йўқ тизим

ЁШЛАР СИЁСАТИ

Акбаршоҳ ТЕСАБОЕВ,
Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик
муаммолари ва парламент тадқиқотлари
институтини бўлим бошлиғи

Бошланиши 1-бетда

Аввало, маҳаллаларда ёшлар етакчиси лавозимининг жорий этилиши ва унга қўллаб ҳуқуқлар берилиши давлатимиз раҳбарининг ёшларга билдираётган катта ишончи ва улкан қўллаб-қувватлови натижасидир. Шу билан бирга, мазкур тажриба “Ҳаракатлар стратегиясидан — тараққиёт стратегияси сари” устувор тамойилининг амалдаги исботи бўлиб, мамлакатимизда 2017–2021 йилларда ёшларга оид давлат сиёсати доирасида амалга оширилган кенг қўламли ислохотларнинг мантиқий давомийлигини таъминловчи механизм саналади. Мазкур амалиёт ёшлар ҳаётига доир муаммоларни марказдаги кабинетларда эмас, аксинча, маҳаллаларнинг ўзида ижобий ҳал этиш имкониятини берувчи жонли мулоқот платформаси бўлиб, бу тажриба амалда ёшлар учун зарур бўлган имконият ва имтиёзларнинг жорий этилишига хизмат қилувчи лабораториядир.

Таъкидлаш жоизки, маҳалладаги ёшлар етакчиси — ўз ҳудудидаги ёшларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, ёшлар учун яратиб берилаётган имкониятлар ва имтиёзлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиб борувчи тарғибот манбаи бўлиб, ушбу янги институт чекка маҳалла, қишлоқ ва овуллардаги етакчи ёшларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги иштирокини таъминлаб берувчи “социал лифт” сифатида хизмат қилади.

Маҳаллаларда ёшлар етакчиси лавозимининг жорий этилиши қуйидаги 3 та устувор мақсадни ўзида ифода этганини таъкидлаш жоиз.

Биринчи мақсад: ёшлар билан иш-лашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш.

Дарҳақиқат, бугунги амалиёт барча соҳа ва йўналишларда бўлгани каби энг қўйи бўгин — маҳаллаларда ҳам ёшлар билан ишлашга, уларни ўйлантираётган масалаларини ҳал этишга қўмаклашувчи тузилманинг ташкил этилишини талаб этаётган эди. Бу борада ёшлар етакчиси институтининг жорий этилгани ва унга қўллаб ҳуқуқ ва ваколатлар берилгани айни мuddao.

Иккинчи мақсад: ёшлар билан иш-лашнинг вертикал тизимини яратиш. Маълумки, тизимли таҳлил ва тизимлаштириш қондаларига мувофиқ, бирор-бир муаммо билан ишлашда тизимлилики, алоқадорлиқни сақлаш ва ривожланиш тенденциясининг изчиллигини таъминлашда вертикал тизим муҳим аҳамият касб этади. Бу, айниқса, ёшларни ўйлантираётган масалаларини ҳал этиш ва мавжуд муаммоларни бар-тарafd қилишда қўл келади.

Учинчи мақсад: ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш амалиётини яратиш. Бугунги кунда мамлакатимиз ёшларини ўйлантираётган масалаларга қисқа вақтда оқилона ечим топиш ва самарали ҳал этиш янги Ўзбекистон тараққиётининг замонавий шарти — рақамлаштириш сиёсатида тўла мос келади.

Қарор билан Ҳаракатлар стратегияси доирасида йўлга қўйилган ва давом эттирилиши зарур бўлган масалалар маҳалладаги ёшлар етакчисининг 5 та асосий вазифаси сифатида белгиланганини қайд этиш керак. Хусусан, ёшлар етакчисининг биринчи асосий вазифаси: “Ёшлар баланси”ни шакллантириш, ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформаларига киритиб бориш, улар билан самарали иш ташкил қилиш.

Айтиш кераки, мазкур вазифанинг ёшлар етакчиси томонидан амалга оширилиши қуйидаги самарали натижалари билан аҳамиятга молик.

Биринчи натижа: “Ёшлар баланси”ни шакллантиришдаги манзилли ёндашув асосида маҳаллалардаги ёшлар статистикасининг тўғри шакллантирилиши ва юритилиши таъминланди.

Иккинчи натижа: ҳар бир маҳалла, қишлоқ ва овул бўйича шакллантирилган маълумотларни тўғри киритиб боришга масъул ва жавобгар бўлган аниқ шахс белгиланди.

Учинчи натижа: маҳаллалардаги ёшлар билан ишлаш жараёнида ишларни тўғри ва самарали ташкил этиш борасида замонавий менежмент қондаларидан фойдаланиш имконияти яратилди.

Иккинчи асосий вазифаси: маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини улар орасида оммалаштириш, Беш муҳим ташаббус лойиҳалари, ёшлар фестиваллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш.

Ушбу вазифа ёшларга миллий анъана ва қадриятларимизга нисбатан ҳурмат руҳини янада чуқур сингдириш, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва маданий-маърифий жиҳатдан юксалиши учун долзарб аҳамият касб этади.

Эътибор бериб кўрсак, маҳалладаги ёшлар етакчисининг мазкур вазифани самарали амалга ошириши қуйидаги асосий 6 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги вазифаларни жойларда ижросини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Биринчи ҳужжат: етакчи Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунида белгиланган Ёшлар ишлари агентлиги ваколатлари доирасида ушбу қонун нормаларининг ҳудудларда тўғри ижро этилишини таъминлашда иштирок этмоқда.

Иккинчи ҳужжат: 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида назарда тутилган ёшларни ватанга садоқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик руҳида тарбиялашга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, маҳаллаларда ёшлар билан олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишда яқиндан қўмаклашмоқда.

Учинчи ҳужжат: Президентимизнинг 2018 йил 28 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган **Кураш миллий спорт турини 2025 йилгача янги босқичга олиб чиқиш концепцияси**да белгиланган ёшларда кураш миллий спортга бўлган қизиқишни ошириш ҳамда ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида кураш спортини оммавийлаштириш ва спорт мусобақаларини ташкил этиш ишларида қўмаклашмоқда.

Бешинчи ҳужжат: Президентимизнинг 2019 йил 3 майдаги қарори билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасида маънавий-маърифий ёшлар билан ишлари**да қўмаклашмоқда.



ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш каби масалаларда қўмаклашмоқда.

Олтинчи ҳужжат: Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги қарори билан тасдиқланган **Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси** ва уни **2021–2022 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”**да назарда тутилган ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшларни “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари!” ғояси аtroфида бирлаштиришга қаратилган



чора-тадбирларни амалга оширишда қўмаклашмоқда.

Учинчи асосий вазифаси: ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидори, истеъдоди ва ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишга қўмаклашиш.

Ушбу вазифанинг белгиланиши ёш етакчиларга маҳаллалардаги ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, жамият ва давлат тараққиёти учун хизмат қиладиган инсонлар бўлиб етишишига қўмаклашишдек улкан вазифани юклади.



самарадорлигини янада ошириш, аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтиришга, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар дастурида ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш ва уларнинг ижодий фикрлашини қўллаб-қувватлаш, ёшлар ўртасида жиноятчилик ва

Чунки ёшлар етакчилари бор имкониятларидан фойдаланган ҳолда, ҳудудидаги ёшларнинг тадбиркор, моҳир спортчи, салоҳиятли китобхон, иқтидорли таржимон ва бошқа соҳаларнинг истеъдодли вакили бўлиши учун курашади, улар учун давлат томонидан қўшимча имкониятларни яратиб беришда муҳим воситачи бўлиб хизмат қилади.

Тўртинчи асосий вазифаси: ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг интеллектуал жиҳатдан камол топишини ва маънавий ривожланишини таъминлаш.

Мазкур вазифа қуйидаги **икки муҳим йўналиш** доирасида амалга оширилмоқда.

Биринчи йўналиш: ёшларнинг интеллектуал жиҳатдан камол топишга қўмаклашиш. Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан ёшлар интеллектуал жиҳатдан баркамол инсон бўлиб камол топишини таъминловчи амалиёт — “Заковат” интеллектуал ўйинини аҳоли ўртасида оммавий-маърифий ҳаракатга айлантириш ва бошқа интеллектуал ўйинларни ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарор ҳамда тегишли чора-тадбирлар дастурида ҳудудларда таҳсил олаётган заковат ёшлар учун фикр алмашиш имкониятини яратиш ҳамда уларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш бўйича қатор вазифалар белгиланди. Айтиш жоизки, мазкур вазифаларни амалга оширишда Ёшлар ишлари агентлиги бевосита маҳалладаги ёшлар етакчилари фаолиятига таянади.

Иккинчи йўналиш: ёшлар орасида китобхонлиқни тарғиб этиш.

вазифаларидан чекинмаган ҳолда, ўз ҳудудидаги фаолиятини айнан қайси йўналишларда олиб бориши ҳам белгилаб берилган. Хусусан, бугунги кунда ёшлар етакчиси ўз фаолиятини ташкилий характерга эга бўлган **6 та йўналиш** доирасида амалга оширмоқда.

Энг муҳими, маҳалладаги ёшлар етакчиси, бу — **оддий лавозим эмас, аксинча, молиявий масалалар юзасидан ваколатларга эга бўлган масъулиятли вазифа**. Эътибор берадиган бўлсак, қарор билан ёшлар етакчиларига **13 та** масала бўйича молиявий ва моддий аҳамиятга молик бўлган масалалар юзасидан тавсия бериш ваколати берилди. Хусусан, маҳалладаги ёшлар етакчилари тавсияси асосида ёшларга бериладиган ёрдам турлари рўйхатига қуйидагилар қиради:

маҳалладаги етакчининг биринчи ёрдами, моддий аҳоли қийин ёшларни қўллаб-қувватлаш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баробаригача бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш; **иккинчи ёрдам, ижтимоий ҳимояга** муҳтож ёш оилаларга 12 ойгача турар жой ижараси компенсациясини қўллаш мақсадида ҳар ойда **базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баробаригача** субсидия ажратиш бўйича тавсия қилириши;

учинчи ёрдам, психологик маспахатга муҳтож ёшларга нодавлат таълим ташкилотлари томонидан пуллик психологик хизмат кўрсатилиши билан боғлиқ харажатларни қўллаш учун субсидия ажратиш бўйича тавсия бериш;

тўртинчи ёрдам, мамлакатимиздаги профессионал ва олий таълим муассасаларида таълим олаётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож иқтидорли ёшлар тўлов-контракт суммасининг 50 фоизига қисмини қўллаш мақсадида базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баробаригача субсидия ажратиш бўйича тавсия бериш;

бешинчи ёрдам, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларнинг сафарбарлик қақруви резервидagi хизматни ўташ бадалини тўлиқ миқдорда қўллаш учун субсидия ажратиш бўйича тавсия бериш;

олтинчи ёрдам, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларнинг давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида автомобилотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ўқув курси харажатларини қўллаш мақсадида **базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баробаригача** субсидия ажратиш бўйича тавсия бериш;

еттинчи ёрдам, ижтимоий ҳимояга муҳтож янги турмуш қураётган ёш оилаларга ўз хонадонда қўшимча уй-жой қуриши учун тижорат банклари томонидан **33 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратишда** кафил бўлиш;

саккизинчи ёрдам, уй-жой сотиб олиш ёки яқна тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун субсидия тўлашда алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилалар тоифасига мансублиги бўйича тавсия бериш;

тўққизинчи ёрдам, спорт тўғаракларини ташкил этиш учун маҳаллада бўш турган давлат мулки ҳисобланган бино ва иншоотлар электрон савдолар ўтказмаган ҳолда, ушбу объектка нисбатан белгиланган энг кам ижара тўлови ставкасининг 50 фоизи миқдориди ижарага бериш бўйича тавсия бериш;

ўнинчи ёрдам, 30 ёшдан ошмаган бемор фуқароларга мамлакатда ёки хорижий давлатларда даволаниш билан боғлиқ харажатларни қўллаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баробаригача субсидия ажратиш бўйича тавсия бериш;

ўн биринчи ёрдам, ёшларнинг хорижий тиллар ва умумтаълим фанлари бўйича нодавлат таълим ташкилотларида ўқиш харажатларининг ярмини, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баробаригача бўлган қисми ҳамда улар бўйича миллий сертификатлар олиш учун ўтказиладиган имтиҳонларни топшириш харажатларини қўллаш мақсадида тавсия бериш;

ўн иккинчи ва ўн учинчи ёрдамлар: ногиронлиги бўлган ёшларнинг замонавий касбларни ўрганиши, малакасини ошириб бориши ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадларида субсидиялар ажратиш бўйича тавсиялар беришдан иборат.

Ушбу рўйхатга эътибор қаратадиган бўлсак, маҳалладаги ёшлар етакчиси барча қатламдаги ёшларга фойдаси тегишини англаш мумкин.

Маҳалладаги етакчининг масъулиятли вазифа ва сермахсул фаолияти, албатта, муносиб рағбатлантириши

ушбу вазифада муносибларнинг меҳнат фаолиятини амалга оширишини таъминлаб бермоқда. Хусусан, маҳалладаги ёшлар етакчиси фаолияти ойлик маошдан ташқари мукамал ишлаб чиқилган қуйидаги тизим асосида қўшимча рағбатлантирилади:

биринчи рағбат — ҳар чорак якуни бўйича ойлик иш ҳақининг **50 фоизигача** миқдорда мукофот олиш;

иккинчи рағбат — бошқа ҳудудлардан келиб фаолият олиб бораётган етакчи учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **икки баробаригача** бўлган миқдорда турар жой ижара тўлови қўллаб берилиши;

учинчи рағбат — йил якуни бўйича ўзига бириктирилган ҳудудда юқори натижаларга эришган етакчиларга ипотека кредити асосида сотиб олинаётган уй-жой қийматининг тегишли шартлар асосида **50 фоизи миқдориди** субсидия берилиши;

тўртинчи рағбат — етакчининг ҳарбий ва махсус унвонлари сақлаб қолиниши, унинг етакчи лавозимидаги иш стажини навабдаги ҳарбий ва махсус унвонлар олишда ҳисобга олиниши, олдинги иш жойига қайтганида қонунчиликда белгиланган барча имтиёзлар татбиқ этилиши;

бешинчи рағбат — ҳар чоракда маҳаллада ёшлар сиёсатини самарали амалга оширишда юқори натижадорликка эришган мамлакат бўйича энг илгор 100 нафар етакчининг бир ойлик иш ҳақида тенг миқдорда бир марталик пул мукофоти билан тақдирланиши;

олтинчи рағбат — фаолиятини самарали ташкил этаётган, ўзининг шахсий фазилатлари билан ёшларга намуна бўлаётган ва уларга етакчилик қилаётган етакчилар “**Янги Ўзбекистон ислохотчиси**” кўкрак нишонин билан тақдирланиши;

еттинчи рағбат — етакчи истиқболли кадрларнинг амалдаги захирасига киритилишидир.

Жорий йил бошидан эътиборан, фаолияти йўлга қўйилган етакчиларнинг мазкур рағбатлантириш тизимидан фойдаланиб келаётгани қувонарли, албатта.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир етакчининг фаолияти замонавий бошқарув қондаларига мувофиқ тарзда рақамлаштирилган бўлиб, улар фаолиятининг самарадорлиги 4 та йўналиш бўйича баҳоланади. Республика миқёсида маҳалладаги етакчиларнинг рейтингини шакллантирилади. Бу, ўз навбатида, қуйидаги ижобий жиҳатларга эга:

биринчи ижобий жиҳат — етакчилар ўртасида соғлом рақобат асосида меҳнат фаолияти амалга оширилади;

иккинчи ижобий жиҳат — маҳаллада ёшларнинг бўш вақти мазмунли ташкил этилиши, уларнинг маданий-маърифий ва спорт тадбирларига жалб этилиши таъминланади;

учинчи ижобий жиҳат — амалга оширилаётган тадбирларга маҳалладаги ёшлар тўлиқ жалб этилади, бу орқали уларнинг ислохотлар ҳақидаги тушунчалари шаклланади ва мунтазам равишда ривожлантириб борилади;

тўртинчи ижобий жиҳат — хорижда юрган маҳалла ёшлари билан яқиндан алоқа йўлга қўйилишига эришилади. Бунинг натижасида нафақат маҳалладаги, балки хорижда меҳнат фаолиятини юритаётган ва илм олаётган ёшлар билан ҳам узвий алоқа ўрнатилишига эришилади.

Маҳалла институтини мамлакатимиз миллий тарихининг ноёб тузилмасидир. Унинг хорижий давлатларда муқобили мавжуд эмас. Маҳалладаги ёшлар етакчиси деган институт ҳам янги Ўзбекистоннинг, том маънодаги янги ижобий тажрибаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Алоҳида таъкидлаш кераки, маҳалладаги ёшлар етакчиларининг ваколатига бериладиган молиявий соҳадаги ҳуқуқлар дунёнинг ҳеч бир мамлакатидида кузатилмайдиган амалиётдир.

Бир сўз билан айтганда, янги Ўзбекистонда маҳалладаги ёшлар етакчилари ўзлари учун ҳам, бошқа ёшлар учун ҳам самарали меҳнат қилиб, ўз мустақам ўрнини топиши, илм олиб, изланиб юқори чўққиларни забт этиши, энг асосийси, Президентимиз ва халқимиз ишончини оқлашдек бахтга сазовор бўлиши учун барча имкониятлар етарли. Зеро, **халқ дарди билан яшаш, юртнинг тараққиёти йўлида ҳалол меҳнат қилиш — энг олий саодат.**

РАҚАМЛАШТИРИШ

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими, деган тушунча ҳаётимизга кириб келганига уч йил бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 апрелдаги қарорига асосан, унинг тажрибавий лойиҳасини ўтказишга Сирдарё вилояти танлаб олинди ва ўша йил 1 октябрдан бошлаб бу ишни амалга оширишга киришилди. Бундан қўзланган асосий мақсад бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш, 14 ёшгача болалари бўлган oilаларга нафақа ва кам таъминланган oilаларга моддий ёрдам тайинлаш, уларни тўлашнинг автоматлаштирилган механизмини татбиқ этишга қаратилди.

Аслида, бу жиҳатлар янги тартиб-таомилни жорий қилишнинг бошланғич босқичига киради. Чунки у бу жараёнда ижтимоий нафақаларни тайинлаш учун инсон омилисиз oilа ва фуқаронинг муҳтожлигини ўзи аниқлайдиган, нафақаларни тайинлаб, тўловларни амалга оширадиган ҳамда назорат қиладиган, харажатлар ҳисобини юритадиган автоматлашган ахборот тизими вазифасини бажаради.

Шаффоф ва самарали

Савоб, деган сўзнинг маъно-мазмуни кенг. У тўғри иш, соғлом фикр, эзгулик, муқофот ва оқилона ечим маъноларини билдиради ва одатда, одамларнинг эзгу-

даражаси ҳамда ахборот тизимлари базасини юритиш ишлари бир-биридан сезиларли даражада фарқ қиладди. Масалан, Бельгия аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг бошқарув модели дастлаб марказлашмаган, эндилик-



ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЯГОНА РЕЕСТРИ

эҳтиёжманд аҳолини аниқлаш, уларни манзилли қўллаб-қувватлашнинг шаффоф ва самарали воситаси

ликка таянган солиҳ амалларига нисбатан қўлланилади. Рақамли тизим ҳам шундай ишларни қилиши мумкинлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб келмоқда. Сирдарё тажрибаси асосида бутун мамлакатимиз ижтимоий ҳимоя тизимига жорий этилган янги механизм бунинг амалий тасдиғидир.

Янги тизимни шакллантириш учун Жаҳон банки ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан 600 минг доллардан зиёд маблағ йўналтирилди. Энг аввало, Пенсия жамғармаси Сирдарё вилояти бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари кам таъминланган oilаларга ижтимоий нафақалар тайинлаш ҳамда улар мониторингини амалга ошириш учун зарур бўлган электрон қурилмалар билан таъминланиб, 12 нафар ходим ишга қабул қилинди.

Электрон тизим лойиҳаси “Development Pathways” ихтисослаштирилган халқаро компанияси томонидан яратилди ва у орқали 9 та тегишли вазирлик, идоранинг маълумотлар базалари билан реал вақт режимида электрон алмашув асосида ахборотларнинг олиниши йўлга қўйилди.

Шу асосда кам таъминланган oilаларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам қатғина ўз паспорти билан мурожаат қилиш имконияти яратилган бўлиб, oilанинг зарур маълумотлари “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларидан электрон тарзда олинади.

Ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ёки рад этиш тўғрисидаги қарор инсон омилисиз ахборот тизими томонидан қабул қилинади ва натижаси бўйича ариза берувчининг телефонига тегишли СМС-хабарнома юборилади.

Тизимни ҳаётга татбиқ этишда жаҳон тажрибаси ўрганилди ва ўрганишлар давом этмоқда. Урганиш натижалари бўйича ахборот тизими такомиллаштириб борилади.

Халқаро тажриба таҳлили нимани кўрсатади?

— Кўплаб мамлакатлар узоқ вақтлардан бери ижтимоий имтиёзлар ва хизматларни олувчилар тўғрисидаги маълумотларни бирлаштириш ҳамда маҳаллий маълумотлар базалари билан масофадан туриб ишлашга имкон берадиган яхлит ахборот тизимини яратиш йўлини босиб ўтган, — дейди Молия вазирлиги хузуридаги Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти мутахассиси Жалил Бойқалонов. — Уларнинг бир қанчасида ижтимоий ҳимоя ягона реестри таъминот занжирини вазифасини ўтаётган бўлса, бошқаларида бу тизим мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва фуқароларнинг бир ёки бир нечта ижтимоий нафақалар мувофиқлигини аниқлаш ишларини бажариб келади.

Ҳозирги кунда 20 дан зиёд мамлакатда ҳар хил кўринишда ижтимоий ҳимоя реестрлари ахборот тизими мавжуд. Бироқ улар фаолиятида реестрларнинг бошқариш ва ишлатиш, шунингдек, қамров



да эса юқори даражада бирлаштирилган маълумотлар базасига эга. У ижтимоий ҳимоя дастурларидан олинган ахборотларни эмас, балки ижтимоий сектор субъектлари томонидан тўпланган маълумотларни қамраб олган.

Бельгия режалаштириш идорасининг тадқиқотларига кўра, ушбу тизимнинг жорий этилиши ижтимоий идоралар учун маъмурий харажатларни йилга 1,7 миллиард еврогача тежаш имконини берди ва 220 турдаги қорғоз ҳужжатлар бекор қилинди.

Туркияда бу тизим ёрдамида ижтимоий ёрдамни бошқариш билан боғлиқ барча хизматлар амалга оширилди. Бельгиядан фарқли равишда, бирмунча марказлашган ва давлат муассасаларининг 22 хилдаги маълумотлари бирлаштирилган. Осонгина кириш мумкин бўлган битта онлайн порталда 112 та веб-хизмат, 10 дан зиёд ижтимоий дастурлар тақдим этилади.

Олдин Туркияда ижтимоий ёрдам олиш учун аризаларни текширишга 15-20 кун кетган бўлса, ушбу жараён татбиқ этилгач, ишлар тахминан 1 дақиқада ҳал этилади-ган бўлди. 2010 йилдан бери 30 миллион фуқаронинг ижтимоий ёрдам учун мурожаатларини кўриб чиқди ва умумий қиймати 13 миллиард АҚШ доллар бўлган 311 миллион ижтимоий ёрдам битимларини амалга оширди.

Янги тизим қандай ишляпти?

Президентимизнинг 2020 йил 4 августдаги “Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча қорар-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида Сирдарё вилояти тажрибаси мисолида Ижтимоий ҳимоя ягона реестрини республиканинг барча ҳудудларида босқичма-босқич жорий этиш вазифаси қўйилди.

— Унинг ижроси Бирлашган Миллатлар Ташиқлотининг Болалар жамғармаси ва Жаҳон банкининг молиявий, техник ва эксперт қўмағи асосида амалга оширилди, — дейди Молия вазирлиги ўринбосари Жамшид Аброев. — Вазирлигимиз хузуридаги Ахборот технологиялар марказида “Ягона реестр” ахборот хизматини ишлатиш бўйича миллий мутахассислар жамоаси ташкил этилди. Натижада барча ҳудудларда мазкур тизим орқали кам

таъминланган oilаларга ижтимоий нафақалар тайинланиб келинмоқда. У 16 та вазирлик ва идоранинг маълумот базалари билан интеграция қилинган. Ижтимоий нафақа олувчи oilалар сони 2020 йилнинг биринчи ярмида 600 мингга бўлган бўлса, бу кўрсаткич айни пайтга келиб, 1 миллион 600 мингдан ошган.

2021 йил сентябрь ойидан бошлаб қайта кўриб чиқилган болалар нафақалари Ягона реестр орқали бошқарила бошланди. Шунингдек, камбағалликни қисқартириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларининг самарадорлигини ошириш мақсадида кам таъминланган oilаларни аниқлашда даромад мезони сифатида минимал истеъмол харажатлари миқдорини қўллаш тартиби йўлга қўйилди. Натижада қисқа вақт ичида кам таъминланган oilаларни аниқлаш ва уларга нафақаларни манзилли етказиб бериш имконияти яратилди. Мисол учун Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳар туртинчи oilа ижтимоий нафақа олмоқда.

Тизим вазирлик ва идораларга реал вақт режимида 5049 турдаги маълумотлар алмашувини амалга ошириш имконини беради. Бу эса болалар ва уларнинг oilалари, ногиронлиги бўлган шахсларни, ижтимоий ёрдам ёки бандлиқни таъминлаш хизматларига муҳтож бўлган шахсларни янада кенг қамровли, самарали ва фаол тарзда қўллаб-қувватлашда қўл келади.

Хайрли ишнинг янги масъулияти

Яқинда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Ижтимоий ҳимоя ягона реестрини Молия вазирлиги тасарруфига топширди. Демак, эндиликда вазирлик тизимдан фойдаланиш, уни таъминлаш ва таъмирлаш ишларини олиб боришга масъул бўлган муассаса ҳисобланади.

— Ижтимоий ҳимоя ягона реестри мамлакатда ижтимоий ҳимоя тизимини ислоҳ қилиш умумий стратегиясининг бир қисми сифатида рақамли технологик платформа асоси саналади, — деди ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари ўринбосари Жоффри Ижумба. — Ушбу тизим молиявий ёрдамни давлат ижтимоий, бандлик хизматлари, ногиронлик нафақалари ва бошқа имтиёзлар билан самарали боғлаш орқали ижтимоий ҳимояни инклюзив ва ҳар томонлама таъминлаш учун ажойиб имкониятни тақдим этади.

— Бугунги кунга келиб “Ягона реестр” ахборот тизими орқали ижтимоий нафақаларни автоматик тарзда тайинлаш тизими тўлиқ йўлга қўйилган, — деди Жамшид Аброев. — Вазирлик масъул мутахассислари тизимни техник хизмат кўрсатиш ва ишлатиш учун қабул қилишга тайёр. ЮНИСЕФ билан ҳамкорлигимиз шу босқичда аяқланилмайди. Тизимни янада такомиллаштириш ишлари биргаликда давом эттирилади ва бунда бошқа ижтимоий ёрдам турларини тайинлаш жараёнини автоматлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Бунга мисол тариқасида Тараққиёт стратегиясида белгиланганидек, ижтимоий хизматларни етказишдаги бошқарув жараёнларни рақамлаштириш модулини ишлаб чиқиш, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”ни интеграция қилиш, шунингдек, табиий офат, ижтимоий-иқтисодий қутилмаган вазиятлар ёки бошқа сабабларга кўра, фавқулодда ҳолатлар юз берганида ижтимоий ҳимоя махсус дастурларини жорий этиш кабиларни келтириш мумкин.

Демакки, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими нафақат ижтимоий хизматлар ва ёрдамнинг манзиллигини ошириш имконияти, балки ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам аҳолининг эҳтиёжманд қисmini қисқа муддатларда аниқлаш ва уларни давлат томонидан манзилли қўллаб-қувватлашнинг шаффоф ва самарали воситасига айланиб борапти.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ, иқтисодий шарҳловчи



ЯШИЛ МАКОН

ОҚ ТЕРАКМИ, КЎК ТЕРАК... уни қандай экишни билиш керак

Қўчат экиш, боғ яратиш — эзгу амал. Оталарнинг фарзандига атаб дарахт экиши одати замирида ана шу эзгулик мужассам. Хусусан, фарзанд туғилганида унга атаб бир жуфт терак экилган. Орадан йиллар ўтиб, ўша қаламчалар унинг учун қурилажак янги ўйнинг синчи ёки устуни бўлиши ният қилинган. Қадимда ва яқин-яқинларда ҳам Наврўз байрами кунлари болалар кун ва тун жамоасига бўлиниб, тунми ёки кун узун бўлисини, дея “Оқ теракми, кўк терак” ўйнаган. Унинг замирида ёруғлиқнинг қоронғуликдан ғолиб эканига ишора ва интилиш бор...

Юртимизда терак етиштириш бўйича қадимдан катта тажриба тўпланган. Қишлоқдаги ҳар бир хонадонда осмонга бўй чўзган тераклар шовиллаб турган.

— Ҳозир юртимизнинг турли иқлим ва тупроқ шароитида теракнинг 40 га яқин тури, 90 дан ортиқ нави парваришлаб келинади, — дейди Инновацион ривожланиш вазирлиги бўлими бошлиғи Аҳтам Далиев. — Терак барча турдаги дарахтлар орасида энг яхши ҳаво тозаловчидир. Карбонат ангидридни ўзига сингдириб, игна баргли дарахтларга нисбатан 10 баравар кўп кислород ҳосил қилади. Ўзидан зарарли микробларни ўлдирувчи фитонцидлар ҳам ишлаб чиқаради.

Теракнинг тез ўсиши табиий ресурсларни қисқа вақт ичида тўлдириш имконини беради. Унинг оз йилгача яшайдиган турлари бор. Масалан, мирзатерак ва оқтерак 30 йилгача ривожланиб, 60-70 йил яшайди. Ёғочи 8-10 йилда етилди ва гектардан 500-900 куб метргача ёғоч олинади. У мебель ва целлюлоза-қоғоз саноатида муҳим ҳомашёдир. Унинг целлюлозасидан газлама, пишитилган ип толаси тайёрланади.

Президентимиз раислигида 7 апрель куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Яшил макон” дастури доирасидаги ишлар муҳокама



“Президентимиз раислигида 7 апрель куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Яшил макон” дастури доирасидаги ишлар муҳокама қилинди. Лойиҳа доирасида баҳор мавсумида 125 миллион туп қўчат экиш режалаштирилган бўлиб, апрель ойи якунига қадар туманлардаги йирик маҳаллаларга 20-30 минг, ўртачаларига – 10-15 минг, кичикларига – 3-5 минг, шаҳарлардаги ҳар бир маҳаллада ҳам шунча туп терак қаламчалари экиш тавсия этилди. Автомобиль йўллари бўйида эса камида 5 миллион туп терак қўчати ва қаламчаси экилади.

қилинди. Лойиҳа доирасида баҳор мавсумида 125 миллион туп қўчат экиш режалаштирилган бўлиб, апрель ойи якунига қадар туманлардаги йирик маҳаллаларга 20-30 минг, ўртачаларига — 10-15 минг, кичикларига — 3-5 минг, шаҳарлардаги ҳар бир маҳаллада ҳам шунча туп терак қаламчалари экиш тавсия этилди. Автомобиль йўллари бўйида эса камида 5 миллион туп терак қўчати ва қаламчаси экилади.

Бошқача айтганда, уйлар ва ариқлар ёнида, автомобиль йўллари ва пиёдалар йўлаклари бўйида, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳудудларидаги бўш жойларга минг тупгача терак қўчати экиш керак бўлади. Бу дарахтларнинг барчасини маҳаллалар актив сифатида ўз балансига олади.

— Вилоятимизнинг 19 туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳамда маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлимлари, жамоатчилик ташиқлотлари томонидан терак қўчатлари ва қаламчаларини экиш, парваришлаш бориисида кенг қўламли ишлар давом этапти, — дейди Фарғона вилояти

маҳрум эркак ниҳолларни кўпайтиришинг ўзи қифоя. “Яшил макон” лойиҳаси муҳокама этилган видеоселектор йиғилишида Инновацион ривожланиш вазирлиги зиммасига аллергияга чалқирмайдиган теракларни экиш бўйича илмий асосланган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш юзасидан торшириқ берилди.

— Вазирлигимиз хузурида Халқаро молекуляр аллергиялогия маркази фаолият кўрсатади, — дейди инновацион ривожланиш вазирлиги Иброҳим Абдурахмонов. — Марказ томонидан ҳаводаги гул чанғи миқдори мониторингини йўлга қўйиш мақсадида Тошкент шаҳрининг икки ҳудудида Марказий Осиё ва МДХ давлатларида биринчи бўлиб замонавий қурилмалар — гул чанғи қопқонлари ўрнатилди. Бу қурилмалар 60-70 километр радиусдаги гул чангини аниқлай олади. Улар ёрдамида узлуқсиз ўтказилаётган аэроблогик мониторинг натижалари асосида автоматлаштирилган маълумотлар базаси юритилиб, Тошкент шаҳрида гул чанғи тарқалиши

харитаси тузилди. Бу харита аҳоли ўртасида аллергиялик муаммолар келиб чиқишининг олдини олишда жуда қўл келади. Шу билан бирга, 8 та ана шундай қопқон юртимизнинг бошқа ҳудудларида жорий йилнинг 1 июлига қадар тўла ишга туширилади.

Марказда замонавий ALEX мультитиплекс аллергиячип ёрдамида 282 та аллергияга сезгирлик текшируви бепул ўтказилиб келинапти. Утган бир йилда мингдан зиёд беморда ушбу усулда аллергияга таъсирчанликни ўрганиш натижасида сарв (кипарис), қорақайин, хурмо пальмаси, зайтун, оққайин, қора терак, юнон ва ўрмон ёнғоғи дарахтлари гул чанғларига нисбатан аҳолининг аллергияси юқорилиги аниқланди. Яъни бу дарахтларнинг энг кўп аллергияга чакириси маълум бўлди. Шу боис, улардан шаҳарни ободонлаштиришда фойдаланиш тавсия этилмайди.

Баҳор мавсумида Тошкент шаҳрида 13 турдаги манзарали дарахтлардан гулчанглр кенг тарқалиши аниқланиб, энг кўп ҳолатлар қарағай ва сарвда, кам жиҳатлар эса тол, эман, қайрағоч ва шумтолда кузатилди. Тадқиқотлар қайин гулчанглларнинг юқори аллергиялигини ҳамда сарвга нисбатан аллергиянинг кенг қўзғатишини кўрсатди.

Терак ва унинг пахмоқлари бевосита аллергия реакцияга сабаб бўлмайди. Уни бошқа ўсимлиқларнинг терак пахмоқларига жойлашиб олган гулчанглари ёки зарарли моддалар, чанг зарралари қўзғатади. Чунки оналик туپидаги пахмоғи ана шу чанг ва гулчанглари ўзига сингдириб олади (адсорбция) ва ташувчи сифатида кўз ва бурун шиллиқ пардаларни орқали аллергияга мойил одамларга аллергия ҳолатини юзага келтиради. Шунга кўра, теракнинг аллергиялиги билвосита ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари асосида маҳаллий тупроқ-иқлим шароитларига мослаштирилган аллергиясиз дарахт ва буталар рўйхати шакллантирилди. Унга мувофиқ, аҳоли яшаш жойлари ва йўл чеккаларида мирзатерак, қизилтерак, тоғтерақ, турангил терак, оқтерақ, болле терак, калифорния тераги, бақатерак (бахофена) турлари асосида олинган навлар тавсия қилинади.

Терак экиладиган майдон ва унинг атрофида сарв, хурмо, зайтун, қайин, ёнғоқ каби дарахт ва буталарни етиштириш аллергияга ҳужат назаридан мақбул саналмайди. Шунингдек, гулчанғи аллергияга қўзғатувчи ҳисобланадиган шувов, қичитки ўт каби ёввойи ўтлардан теракзорларни тозалаб турди лозим.

— Вазирлигимиз томонидан “Терак етиштириш, экиш, кўпайтириш ва парвариш қилиш” услубий қўлланмаси ишлаб чиқилди, — дейди Аҳтам Далиев. — Мутахассисларимиз, қишлоқ ҳўжалиғи вазирлиғи, Ўрмон қўққалиғи давлат қўққимтаси, Фанлар академияси, Халқаро аллергиялогия маркази масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳ тузилган. Гуруҳ аъзолари ҳудудларнинг ўзига ҳос тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда, терак навларини танлаш, уни бошқа дарахтлар билан биргаликда экишни ташкил этиш ва парваришлаш бўйича жойларда амалий семинар ва тақдимотлар ўтказяпти.

Мухтасар айтганда, терак нафақат халқ ҳўжалиғи ва саноат ишлаб чиқаришида, балки ободонлаштириш, ихота майдонлар ташкил этиш ва экология мусаффолигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Лекин у оқ ёки кўктерақ бўлишидан қатъи назар, мутахассисларнинг тавсияларига амал қилган, ер-тупроқ ва иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда экилса, янада фойдали бўлади, юртимизни яшилликка буркашга кўпроқ хизмат қиладди.

Рауф НУРУЛЛАЕВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ИЛМ-ФАН

Тараққиёт шиддат билан илгарилаб бораётган бугунги даврда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг зиммасида ўзбек илм-фанини янада ривожлантириш, замонавий ихтиро ва кашфиётлар билан халқимиз турмуш тарзини яхшилаш, жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини бундан-да оширишдек юксак вазифа турибди.

Айни пайтда Фанлар академиясида фаолият юритаётган олимларнинг ёш кўрсаткичи, давлатимиз томонидан илм-фан ривожига қаратилаётган эътибор ва унинг самараси борасидаги саволларга жавоб олиш мақсадида муассасанинг масъул раҳбарлари билан мулоқотда бўлдик.

— Ҳақиқатан, сўнгги йилларда Фанлар академиясига эътибор тубдан ўзгарди. Унинг фаолиятини такомиллаштириш ва қўллаб-қувватлаш, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш даражаси ва сифатини ошириш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланишда илм-фаннинг ролини янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор муҳим қонунлар, Президентимиз ва ҳукуматнинг қўллаб-қувватловчи қарорлари қабул қилинган, — дейди Фанлар ака-

баробар ортди. Улар орасида Ядро физикаси институти, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти, Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти қабиладор.

Ҳозир Фанлар академияси учта фан йўналиши — физика-математика, техник фанлар, кимё ва биология фанлари, ижтимоий-гуманитар фанларни ўз ичига олган. Улар таркибида 36 та илмий-тадқиқот институти, 3 та музей,

ташкilotларида радиоизотоп маҳсулотлар тайёрлаш ҳажмини оширди. Натижада радиоизотоп маҳсулотларга мамлакатнинг эҳтиёжини тўлиқ қондириш, валютани тежаш ва маҳсулот экспортини йўлга қўйиш имконияти пайдо бўлди.

Юртимизда биринчи марта Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузурида GMP (Good management practice) халқаро талаблар асосида янги дори субстан-

Фанлар академиясида стажёр-тадқиқотчиларга 100 та ўрин берилган бўлиб, ёшларга келгуси йили докторантурага кириш учун илмий тадқиқот усуллари, замонавий ютуқлар, чет тилини ўрганиш, ахборот технологияларини ўзлаштириш ва бошқа қўшимча тайёргарликлар кўриш учун шароит яратилди. Бу ҳам ёшларни илм-фанга жалб қилишнинг яна бир босқичи бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу омилар сабаб, сўнгги беш йилда академия ҳузуридаги илмий марказларда ёшлар сони ортди. Уларни илмга кўпроқ жалб қилиш мақсадида энг илгор, иқтидорли йигит-қизларга юздан ортқ хонадон имтиёзли асосда топширилди. Шундан 25 та уй интилувчан, илмий салоҳияти юқори докторантларга бепул берилди. Жорий йил 3 март куни кўп ўринли ётоқхона таъмирдан чиқарилиб, ёш оилали олимлар учун фойдаланишга топширилди.

Бугун юртимизда том маънода дунёга машҳур алломаларнинг издошлари етишиб чиқмоқда. Хусусан, илм йўлида изланаётган ёшларимизнинг бир қанчаси TWAS (Жаҳон фанлар академияси) академиясининг қатор мукофотларини қўлга киритган. Жумладан, ўзбек математикларидан 4 нафари Жаҳон фанлар академияси академиги, 6 нафари TWASнинг ёш олимлар бўлими аъзоси саналади. Сафимизга билимли, тириш-



Бугун юртимизда том маънода дунёга машҳур алломаларнинг издошлари етишиб чиқмоқда. Хусусан, илм йўлида изланаётган ёшларимизнинг бир қанчаси TWAS (Жаҳон фанлар академияси) академиясининг қатор мукофотларини қўлга киритган. Жумладан, ўзбек математикларидан 4 нафари Жаҳон фанлар академияси академиги, 6 нафари TWASнинг ёш олимлар бўлими аъзоси саналади. Сафимизга билимли, тиришқоқ ёшлар қўшилишда давом этапти. Улар ўзбек илм-фанининг келажагидир.



АКАДЕМИЯДА ЁШЛАР КЎПАЙИШИДАН МАНФААТДОРМИЗ



кейтиш хавфи остида бўлган 4 туркумга мансуб 31 ўсимлик тури 60 та намунада барқолланди.

Шунингдек, олимлар томонидан хашаротларга оид "Orthoptera Info" маълумотлар базаси, "зоология коллекцияси"нинг тўлиқ электрон каталоги ва Ўзбекистон Миллий гербарийсининг виртуал кўриниши яратилди. Сейсмик фаол ҳудудларнинг жойлашган бино ва иншоотларнинг "Электрон техник паспорт" ахборот тизими ишга туширилди.

Майданак обсерваториясида ўзбек астроном олимлари жаҳонда биринчи бўлиб Катта Айқ юлдузлар туркумида янги юлдузни рўйхатга олди. Самарқанд вилоятининг Қосфирқалъа, Наманган вилоятининг Ахсиқент, Жиззах вилоятининг Тошбулоқ, Сурхондарё вилоятининг қадимги Термиз ёдгорликларидидаги археологик тадқиқотлар халқаро миқёсда эътироф этилди. Улар юртимизга сайёҳлар оқимини жалб этишга хизмат қилмоқда.

Сўнгги йилларда Россия Фанлар академияси, Беларусь ва Қирғизистон Миллий Фанлар академиялари, Хитой Фанлар академияси, Мўғулистон, Тожикистон каби давлатларнинг йирик илмий муассасалари билан халқаро илмий-техник алоқаларимиз сезиларли даражада мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "Бир макон, бир йул" ташаббуси доирасида халқаро илмий ташкилотлар альянсининг тасъисчиларидан биридир.

Халқаро тадқиқот марказлари билан икки томонлама алоқалар кенгайтиши натижасида Суффа юқори тоғ платосидидаги РТ-70 радиотелескопи лойиҳаси қайта тикланди. Дори-дармон ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон — Хитой маркази очилиб, қатор институтларда Ўзбекистон — Хитой илмий-тадқиқот лабораториялари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

ЮНЕСКО, МАГАТЭ (Атом энергияси халқаро агентлиги), МААН (Фанлар академиялари халқаро уюшмаси) ва TWAS халқаро ташкилотлари, Россия, Украина, Беларусь, МДХ давлатлари ва бошқа мамлакатлар, Хитой, Жанубий Корея Фанлар академиялари билан самарали иждоий ҳамкорлик ўрнатилган. Турли мамлакатлардаги нуфузли илмий даргоҳлар билан икки томонлама манфаатли битимлар тузилган. Жумладан, 2017 йилнинг ноябрь ойида Россиянинг "Росатом" давлат атом энергияси корпорацияси билан ядро энергиясидан тинчлик йўлида фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Бир қатор давлатларнинг Фанлар академиялари билан илмий-техник ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича битим амалга ошириб келиняпти.

Жумладан, Жанубий Корея билан ҳамкорлик доирасида Майданак обсерваториясида тарқоқ юлдуз гуҗлари ва яқин галактикалардаги фаол жараёнларни кузатиш мақсадида эликдан ортқ оқшом фотометрик кузатувлари олиб борилди. Ҳамкорлиқнинг муҳим ютуғи ўлароқ, 2017 йилнинг май ойида янги юлдуз топилди, "SN 2017ein", деб номланди.

2020 йилда Ўзбекистон Республикаси биохилма-хиллик бўйича Глобал ахборот портали уюшмаси аъзоси бўлди. Шунингдек, Россиядаги Ядро тадқиқотлари бирлашган институти аъзоллигини қайта тиклашга эришди.

Эътиборлиси, мазкур жараёнларда ёшларнинг фаоллиги сезилляпти. Бугун ўзбек илм-фанининг муносиб ворислари, билимга чанқоқ янги авлоди етишиб келмоқда. Уларнинг жаҳон майдонида ҳам айтиб келётган ўз сузи бор. Мана шундай ёшлар бугунги Ўзбекистоннинг ёрқин келажагидир.

Абдулла ЧИМИРЗАЕВ, журналист

демияси президенти, академик Бехзод Йўлдошев. — Илмий тадқиқотларни ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш борасида салмоқли ишлар бажарилляпти. Мазкур чора-тадбирлар академик тадқиқотларнинг кадрлар, моддий-техника ҳамда молиявий базасини кўп жиҳатдан мустаҳкамлаш ва уларни мамлакатдаги долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва муҳим инновацион ишланмаларга йўналтириш имкониятини бермоқда.

Бугун Фанлар академиясида фаолият юритаётган олимларнинг ўртача ёши ҳам анча яшарган. 2016 йилда ФА тизимидаги фан докторларининг ўртача ёши 67, фан номзодлари (PhD)ники 58 ёшни ташкил этган. Охириги йилларда мамлакатимизда илм-фанга эътибор, моддий қўллаб-қувватлов натижасида ёшларнинг илмга кириб келиши кескин ортди. Натижада 2022 йил ҳолатига кўра, ФАда фан докторларининг ўртача ёши 63, фан номзоди, фалсафа докторлариники 50, умумий ходимларнинг ўртача ёши эса 45 ёшни ташкил этмоқда.

“

Илмий тадқиқотларни ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш борасида салмоқли ишлар бажарилляпти. Мазкур чора-тадбирлар академик тадқиқотларнинг кадрлар, моддий-техника ҳамда молиявий базасини кўп жиҳатдан мустаҳкамлаш ва уларни мамлакатдаги долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва муҳим инновацион ишланмаларга йўналтириш имкониятини бермоқда.



биринчи марта Фанлар академияси янги мавзуй журнал ҳамда "Фан ва турмуш" илмий-оммабоп журнали нашр этиб келинмоқда.

йўналишлар бўйича йигирмадан ортқ мавзуй журнал ҳамда "Фан ва турмуш" илмий-оммабоп журнали нашр этиб келинмоқда.



Дунёдаги нуфузли илмий ҳамжамиятларда мустаҳкам ўринга эга забардаст олимлар академия аъзоллигига Президентимиз томонидан тасдиқланди.

2012–2016 йилларда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда иқтисодий соҳасига бериб юборилган қатор муассасаларнинг сўнгги беш йилда академия тизимига қайтарилиши, янги илмий даргоҳлар ташкил этилиши орқали Фанлар академиясининг илмий муассасалари сони қарийб бир ярим

Яратилган имконият, кўрсатилаётган эътибор илм-фанда ўз натижасини бера бошлади. 2017 йилда Навоий конметаллургия комбинатининг ташкилий, моддий-техник ва молиявий кўмагида Фанлар академиясининг инновацион турдаги Навоий филиали ташкил этилди. Академиянинг қайта тикланган Ядро физикаси институтининг илмий-тадқиқот ядро реактори қайта ишга туширилди. Бу унинг "Тезлаткич" МЧЖ ва "Радиопрепарат" ДҚ ишлаб чиқариш

циялари ишлаб чиқариш технологиясини йўлга қўйиш бўйича илмий-техник марказ ташкил этилгани ҳам ўзига хос янгилик бўлди. Бу ерда импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилаётган қирқдан ортқ дори-дармон ишлаб чиқариш технологиялари фармацевтика корхоналарига берилди. Бунинг учун мамлакатимиз олимлари фундаментал тадқиқотлар асосида янги инновацион ишланмаларни жорий этиш, янги ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқиш, маҳаллий фармацевтика корхоналарини дори моддалари субстанциялари билан таъминлаш, ишлаб чиқариш қувватини ошириш ҳамда ишлаб чиқаришнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштириш ишларини олиб боради. Бугун марказда ҳосилдорлиқни бир неча баробар, экспорт ҳажмини икки баробар ошириш, шунингдек, бошқа бозорларга чиқиш учун янги имкониятлар яратилмоқда.

Яқинда Ўсимлик моддалари кимёси институтида Клиникагача бўлган тадқиқотлар илмий маркази иш бошлади. Унда GLP стандартлари амал қиладиган мамлакатлар томонидан маҳаллий олимлар илмий натижаларининг ўзаро тан олинишини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Жараёнда халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган янги авлод дори-дармонлар ишлаб чиқарилади. Марказ ишланмаларни Европа, МДХ, Хитой, Япония ва бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказишга кўмаклашади. Бу мамлакат иқтисодиёти, аҳоли талаби учун ҳам манфаатли. Гап шундаки, илмий технологияларнинг халқаро миқёсда тан олиниши маҳаллий дори-дармонларнинг экспорт бозорини кенгайтириб, истеъмолчиларни паст сифатли ва хавфли дори-дармонлардан ҳимоя қилади.

Умуман, бугун илм қиламан, янгилик яратаман, деган олимлар учун барча шароит яратилляпти. Бу шунчаки гап эмас. Масалан, бундан 6-7 йил олдин илмий ташкилотларда олимлар арзimas маошга ишлагани сабабли илмга ёшларнинг кириб келиши, уни давом эттириши асосий муаммолардан эди. Бугун эса ёшларнинг ўзи илм-фанга қизиқиш билдирмоқда. Олимларнинг ойлик маоши ошган, илмий даражага эгаларига эса 30-60 фоизли устамга тўланапти.

— Фанлар академияси аъзолари ёшини яшартириш ишлари аллақачон бошланган, — дейди ФА бош илмий котиби, техника фанлари доктори, профессор Файрат Баҳодиров. — Бу борада қатор ташаббуслар амалга ошириляпти. Йигит-қизларни илмий изланишларга қизиқтириш, кенгрок жалб этиш мақсадида чет элдан қўллаб-қувватловчи усуналар хариб қилинди. Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илм-фани молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси кўмагида замонавий усуналардан самарали фойдаланишни ўрганиши учун ёшлар жаҳондаги илгор илмий марказларга малака оширишга юборилляпти. Шу билан бирга, "Эл-юрт умиди" жамғармаси маблағлари ҳисобидан жаҳоннинг нуфузли илмий муассасаларида бакалаврият, магистратура, докторантура амалиёти йўлга қўйилди.

Олий таълим ва ундан кейинги таълим орасидаги стажёр-тадқиқотчилар институти қайта ташкил этилди. Бугун

қоқ ёшлар қўшилишда давом этапти. Улар ўзбек илм-фанининг келажагидир.

Бир вақтлар юртимизда ишлаб, ҳозирда жаҳоннинг илгор марказларида фаолият юритаётган олимлар билан ўзаро ҳамкорлиқни йўлга қўйганимиз. Бу борада "Эл-юрт умиди" жамғармаси муҳим платформа бўлиб хизмат қилмоқда. Ёшларнинг барча харажати, хусусан, транспорт пули, турар жой масаласи, ўқиш учун шартнома маблағи жамғарма томонидан тўлаб берилляпти. Очиги, ёшларга бундай ғамхўрлик ва эътибор 6 йил аввал тушимизга ҳам қирмаган.



Бугун чет элларда ишлаётган мутахассис ватандошларимизнинг турт нафари Фанлар академияси, В.И.Романовский номидаги Математика институтида ўриндошлик асосида фаолият кўрсатляпти.

Қолаверса, ёшларимизнинг илмий тадқиқотини қўллаб-қувватлаш, уларга кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Уларнинг илмий изланиши асосида маҳаллий хомашёбдан импорт ўрнини босувчи, экспортбон қўллаб маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, олимларимиз моносилан ва поликристалл кремний олишинг янги технологиясини яратишга муваффақ бўлди. Мазкур ишланма Ўзбекистон, АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Тайвань ва Европа Иттифқи мамлакатларида патент билан ҳимояланган.

2022 йилда илмий тадқиқотчилар натижалари асосида халқаро "Web of

диометаболик ўзгаришларда аутоиммун яллиғланиш ҳолатларини иммун-ташхислаш усуллари амалиётга татбиқ этилди. Маҳаллий ўсимликлар асосида яратилган эликка яқин оригинал дори-нинг ўндан ортиғи ҳозир амалиётда қўлланмоқда. Маҳаллий микроорганизмлар штаммлари асосида импорт ўрнини босувчи қишлоқ ҳўжалиғи ва фармацевтика биопрепаратларини тажриба тариқасида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Қишлоқ ҳўжалиғи соҳасидаги илмий изланишлар ҳам ўз натижасини бермоқда. Хусусан, тармоқда замонавий молекуляр ва ген муҳандислиғи технологиялари ёрдамида гўзанинг "Порлоқ-7", "Порлоқ-8", "Равнақ-1", "Равнақ-2", "Баракка", "Саховат", "Тафаккур", "Бардош" ва "Заковат", картошканинг "Бисёр", соянинг "Сочилмас" ҳамда буғдойнинг "Баркамош" навлари яратилиб, тижориллаштиришга йўналтирилди. Элита уруғни кўпайтириш мақсадида янги гўза навлари 30 минг гектардан ортқ, буйдоқ навлари 1000 гектардан ортқ майдонларга экилмоқда.

Узум ва анор навларининг генетик паспорти яратилиб, in vitro усулида вируслардан холи ва соғломлаштирилган кўчатларни кўпайтириш технологияси йўлга қўйилди. Қирқдан ортқ янги ўсимлик тури кашф этилди. Гулли ўсимликларининг замонавий филогенетик тизимига асосланиб янги тахрирдаги "Ўзбекистон флораси" китобининг 1-3-жилдлари нашр этилди.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Қизил китобининг 5-нашири ҳам чоп этилди. Доривор ўсимликларнинг интерактив атласи яратилди. ДНК штрих кодлаш технологиясидан фойдаланган ҳолда, юртимизнинг ноёб ва йўқолиб



ШУКУҲ

Тоғу даштда яшашнинг бирмунча мураккаб жиҳатлари бор. Аввало, одамлар осмондан имдод кутадилар. Йилнинг яхши ё ёмон келгани ёғингарчилик билан боғлиқ. Қор, ёмғир кўп ёғса — берди Худо, ёғмай кўйса — урди Худо.

Бу йилги ҳавони айтмайсизми! Ўн кунлаб қаторасига шаррос куйган ёмғир ҳатто айримларни бездириб ҳам қўйди. Томи шиферланмаган молхона, кўра ё ўтинхоналарнинг деворлари қулаб ёки ўпирилиб тушди.

Биз, шаҳарда истиқомат қилаётганлар ҳам бу воқеаларга бефарқ эмасмиз, албатта.

Бултурги бемаҳал, инжиқ келган совуқ уйимиз биқинида ўсган бодом, ўрик гулларини уриб, ҳосилни нобуд қилиб кетмадими? Ёғингарчилик кам бўлганидан сув омборлари захираси камайиб, айти ёз чилласи чоғида экинларга зарур миқдорда сув тополмаганимиз-чи?

ОДДИЙ ЯШАШ ЗАВҚИ

Собир ЎНАР,
ёзувчи

Йўқчилик одамни кўп тадбирлар ишлаб чиқишга мажбур қилгани каби қўрғоқчилик ёки ёғингарчилик ҳам доно қилиб қўяди. Масалан, сигир ёки шер йилида табиий талафотлар камроқ юз берар эмиш, дейишади. Сичқон, маймун, тўнғиз йилида эса...

Қишлоққа, жиянимга телефон қилиб, бу йил замбуруғ, кўзқорин кўпайган чиқар, деб сурадим. Сабаби, қайсидир йили мактабдан қайтаётиб, йўл ёқасидаги кўзқоринлардан териб, сариёққа пишириб ёгани ҳақида “смс” ёзиб, расм қўйган эди. Бу гал ҳануз кўзқориндан дарак йўқ эмиш.

— Бу сафар ёмғир ўшандан ҳам кўп бўлди-ку, — деган таажубимга:

— Тога, ер исигани йўқ. Ер исимаса, гулдир-қалдир момақалдиқнинг ҳам фойдаси йўқ, — дейди жияним.

Қишлоқда ўсибмиз, кўзқорин ебмиз-у, бу ёғини билмабмиз. Ҳали мактабда ўқибётган жиянимнинг тажрибаси бизникидан кўпроқ экан-да. Зироатчилик ботида айти олиш одамга дучор бўлгандай, тагин савол бераман:

— Нима деб ўйлайсан, жиян, кейинги гал ёққан қор аёзи бу йил ҳам ўрикларни уриб кетдимикан?

— Ҳаммасини эмас, эрта гуллаганларини қийратди. Улариям тўлиқ урмаган, сарғаймаган гуллари бор. Лекин, тога, кўзқорин емасак ҳам йилнинг яхши келгани шу: сой тўлиб сув келяпти. Сои суви Тўсинсой сув омборига қўйлаётганига бир ойдан ошди. Накуртсой, Гарашасойдан ҳам сув қўйляпти. Мухими, ер тўйди, булоқ, қудуқларнинг суви кўпайди. Одамларнинг димоғи чоғ, ер тобга келса, баҳорикор экинларни эмкоқчи. Бултурги йилда ғалла, нўхатнинг мазаси бўлмади. Бозорда нўхатнинг нархи кўтарилди, бу одамларнинг дастурхонига таъсир қилди-да.

Мен ҳикоя қилаётган юрт Қўшработ. Қишлоғим — Қувқалла Қўшработнинг ҳам бир чети. Йилари Қўшработнинг тоғида юз минглаб қўй-қўзи ўтлаган. Мавжуд саккиз-тах ҳўжаликнинг барчаси чорвачиликка ихтисослашган, биргина “Биопункт” ҳўжалигиде республикада энг йирик йилчиликлик ҳўжалиги ривожлантирилган. Бу ҳўжалик ўз сармоя ва отлар сони жиҳатидан Жиззах отчилик заводидан икки, Денов йилчилик ҳўжалигидан тўрт хисса катта бўлган ва мамлакатда, қўшни юртларда донги кетган зотлар етиштирилган.

Бу юртда бугун ҳам гумбурлаган кўп-қарилар чопади. Полвонлари ҳайқиради. Тоғ-тошлар орасида ҳалиям тойқоқлар кишнайди. Аммо энди улар жуда кам. Уор-уор йилқиларни, сурув-сурув қўйларни бағрига оладиган макон-яйловлар ҳам камайди, қисқарди. Аҳоли сони эса йилдан-йилга кўпайиб, уй-жойга эҳтиёж ҳам ортиб борди. Зармитан кўргони ўрни илгари Чормитан деб аталган. Сабаби оддий: бу жойлар бировнинг эътиборига тушмайдиган яйдоқ дашт эди. Нарн борса, қўшни қишлоқларнинг моли боқиладиган яйлов, лекин зинҳор биров келиб, қизиқиб яшасам эди. Нима бўлади-ю, иттифоқо бир геолог бу ерда экспедик қидирув олиб бораётиб, нақд бир ховуч катталиқдаги ёмби топиб олади. Ушандан бери бу масканга ҳамманинг қизиқиши ортди.

70-йилларнинг бошлари бўлса керак, мазкур ҳудудлар Москва “қорамоғидаги” махсус зонага айлантирилган. Ён-атрофда ибтидоий ҳаёт, бу гўша эса... Уша даврнинг чин замонавий зарбдор меҳнат участкаси эди. Кечаю кундуз чироиғи ўчмайдиган, новвойхона, ошхона, ҳашаматли шиша деворли дўқони оқшом чоғи ҳам хизмат кўрсатадиган, қончилару ишчи-хизматчиларни узлуксиз у ёқдан-бу ёққа, бу ёқдан-у ёққа, гоҳ узоқ тоғ манзилларига ўқирганча ташиб элтувчи “Урал”, “ГАЗ-66” русумли бортли машиналар қатнови тинмас, қишлоқдан келиб томоша қилсанг ҳам қараб кўзинг тўймас эди. Кўп ишчилар қонда ишлагани боис, сариқ ёҳуд қизил рангли каска кийиб олар, назаримда, улар билан унча-бунчаси гаплашавермас, сабаби, улар давлатнинг энг муҳим ва тезкор топириғини бажарар, бекорчи гапларга вақтлари йўқ, шу боис, бемаврид чалғитиш ноинсофлик бўлар эди...

Биласизми, шундан сўнг ҳам анча муддатгача кишилар бу масканни Чормитан атаб юрдилар. Наҳора, тил ўрганган. Аммо кейин Зармитан дейишга ўтилди. Ҳарқалай зар, олтин ишлаб чиқарилапти ахир... Кетма-кет қонлар, ўша вақтда русум бўлган типовой уйлар, ҳаммом, гараж, автобекат... Ҳа, шу пайтгача ҳатто Қўшработдай туман марказига ҳам қатнамаган автобуслар Зармитандан Самарқанддай шаҳри азмига қатнай бошлади.

Албатта, бу гапларга ярим асрдан ошди. Ким бор бугун, ким йўқ... Одамлар ўзгарди, шароит ўзгарди. Зармитанда дастлаб иш бошлаганлар бугун қамиде пенсияда, бўлмаса... Чин-да, одамзод ҳар доим юз ёшга киравермайди-ку. Бугун



эски ишчиларнинг балки фарзандлари ҳам пенсияга чиққандир, невараларини ишга ҳозирлаётгандир...

Қўшработ аҳли илгари осмонга қараб нажот кутар эди, дедим. Бугун бу юрт сановатлашган масканга айланди. Зармитан қон қазиб олиш ҳудуди йириклашиб, Навоий қон-металлургия қонбинати таркибидеги 4-гидрометеорология заводи ишга тушди. Зармитан тикқоя айланма қони қабатига иккинчи Ғўжимсой участкаси ҳам қўшилди. Ғўжимсой қони раҳбари Акмал Жомонқуловнинг айтишича, мазкур янги қоннинг ўзида ҳозир 1200 дан зиёд ишчи фаолият юритмоқда. Бугунги кунда Навоий тоғ-қон металлургия қонбинати таркибига жами 60 минг ишчини сиғдирган бўлса, кейинги беш-олти йил ичиде Зармитандаги геологик қидирувлар натижасиде топилган қонлар эвазига бу ердаги қон, шахта ва заводлардаги ишчилар сони беш минг нафардан ошди.

Бу ишчиллик масаласида қийналган Қўшработ, Иштихон, Нурота, Пайариқ туманлари ёшлари учун айти муддаодир. Ушбу масканда ёш мутахассислар билан қай йўсунда иш олиб борилади? Ёш кадр тоғ-қон соҳаси мутахассислиги бўйича диплом ёҳуд йўлланма билан келган бўлса, бош устига, мабодо ўқимаган, оддий ишчиликка ўтмоқчи бўлса, аввал уч ойлик курсда ўқиб, сертификат берилади, шундан сўнг ишга қабул қилинади.

Айти улкан қорхона шарофати билан туманда, айнакча, ишсиз ёшлар сони сезиларли даражада камайган. Валлоҳи, Россияда ишлаб пул топиб келаман,

дейдиган ёшларни бу ерда деярли учратмайсиз. Тога, ҳалол ишлаб ҳам у ердагидан икки баробар кўп маош олиш мумкин. Ишонасизми, 41 хонадондан иборат Зулмонота қишлоғиде атиги икки оиланинг енгил автомобили йўқ экан.

Мамаражаб Тўлиев деган синфдошим бор эди. Бир ўғил, уч қизи бор, доим рўзғори юришиб кетмаётганидан, тузук маош оладиган иш йўқлигидан нолир эди. Қонга амаллаб қоровуликка ишга ўтди, ҳарна оилани тебратиб турар эди. Нима фало-



кат босиб, автомобиль уриб кетиб ҳалок бўлганини эшитдим, қайғурдим. Қишлоққа борганимда синфдошлар йиғилиб, қабрига мармартош қўйдик. Гапни бир жойга қўйиб, ўғли Ёлёрни қонга ишга жойлаштиришга келишдик. Синфдош дўстим, қон бошлиғи бўлиб ишлаётган Абдушўқур Хайитовнинг савй-ҳаракати билан Ёлёр қонга бурғиловчи бўлиб ишга олинди. Чидамли, ҳаракатчан экан, маошлари кўтарилиб борди.

Бирин-кетин сингилларини узатди, ўзи уйланди. Бир борганимда “Матис” машинаси сотиб олибди. Жуда хурсанд бўлдим. Орадан бирмунча муддат ўтганда борсам, яп-янги “Ласетти”да юрибди.

Синфдошларнинг фарзандлари бошқа синфдошларни кўрганда “фалончи бобо” деб мурожаат қилишга одатланган. Машинадан тушиб:

— Собир бобо, ишларим беш. Уч ой бўлди, мастерман энди, қўлимда беш-ўнта йигит бор. Энди ҳеч нарсадан қамчилигим йўқ. Онамни тўйларга миндириб юрай деб шунини олдим. Озроқ қарз-қавола қилдим,

омон бўлсак, ишлаб турсак, буням узарман. Хизматлар бўлса айтаверасиз, бобо.

Билсам, Ёлёр шу кўнларда ер ости қон ишлари механизацияси цехининг шахтани шамоллатиш участкаси бошлиғи экан.

Синфдошимнинг ўғлига мен нима хизмат айтман? Қон, омон бўлса, оиласига бош бўлиб турса, бас. Яна бир қончи йигит Жамоллидин Сулаймонов. Унинг ишчи қоржомаси қийганига ҳам ҳадемай йигирма йил тўлади. Бу ерда иш стажинг ошаверса, ортиқча хато-камчиликларга йўл қўймай,

интизом билан меҳнат қилсанг, ойма-ой, йилма-йил рағбатлантириласан. Жамоллидинда ҳам ҳудди шундай бўлди. Мабуутда баъзан 15-18 миллионлик ойлиқларни ҳудди афсонага ўхшатиб гапиришди. “Холбуки, ойлик ҳамда квартал режалари тўла-тўқис бажарилса бўлди, — дейди Жамоллидин. — Ўзимиз учун байрамни ўзимиз яратамиз. Шу сафар оладиган мояна миқдорини ҳам чамалаб билиб туралиш”.

Чамаси бундан йигирма йилча бурун Зармитан тоғ-қон ҳудудида ерга қараб бир заил тўғри қазиб эмас, балки тикқоя шаклда қон иши ташкил этилиши маъқул деб топилиб, шу нарса жорий қилинган эди. Ушанда Швециянинг Atlas сорсо техника ускуналари энг замонавий ҳисобланиб, кенг қўлланган. Ҳозирга келиб, бутунлай янги технологиялар жорий этилган. Қазиб олинаётган руда ҳам аввалги сингари Маржонбулоқ олтин заводида ташиб кетилмай, тўғри шу ердаги 4-завод (ГМЗ)га етказиб берилади, ҳолос. Ана шу рудани замонавий техникада керакли

манзилга етказиб бераётган хайдовчилар қанча маош олаётганини биласизми? 18-20 миллион сўм. Ҳа-ҳа, Ўзбекистонда. Қўшработнинг Заркентиде! Ишонаверинг, афсона эмас! Бу фактни маъдан ташувчи янги МТ- 431, KAS-ZEPOLIN, MAN русумли, ҳар бири бир йўла 30-31 тонна руда ортишга мўлжалланган рудаташир машина хайдовчилари Музаффар Кўчқоров, Тўлқин Унаров, Нуриддин Тинибеков айтсин.

Заркент кўргониде ишчи-ходимлар учун кўп қаватли уйлар билан бирга, болалар ва ота-оналар дам оладиган боғ, ҳовуз, янги спорт ва мини футбол заллари қуриб битказилди. Эски йўллар таъмирланиб, асфальт ётқизилди. Хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам сезиларли даражада ривожланди, замонавий сервис ва савдо шохобчалари бунёд этилди. Мазкур ишларга бош-қош бўлаётган қоннинг фахрийларидадан бири Дўстмурод Юнусовни учратиб қолдим. Дўстмурод ака эски қончи, қайсидир йиллари қонга директорлик ҳам қилган. Мана, бугун бир талай шоғирдлари билан бирга қон ва атрофидеги инфратузилмани яхшилаш савй-ҳаракатиде.

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 1 мартдаги тегишли қарорига мувофиқ, 2026 йилгача НКМК бўйича қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришнинг қўшимча қоралари дастури қабул қилинган эди. Ишлаб чиқаришнинг жадаллашгани самараси ўлароқ, ўтган йили қонбинат тарихда мисли қўрилмаган ҳосил — 101 тонна соф олтин ишлаб чиқарди. Ҳа, улкан тарихий воқеа! Дунё миқёсиде алоҳида эътироф этилишга лойиқ воқеа! Бугун, эртага ҳам мактанса бўлгүлик гап!

Мабуутда жорий йилнинг дастлабки икки ойиде қонбинат жами 2,3 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқарганини ўқиб юрагим ҳаприқди. Ахир, бу жуда улкан ютуқ-ку! Бу галги режа бултургидан кам бўлмас экан!

Бунинг натижасиде қюрида тилга олганим — Ёлёр Тўлиев каби ишсиз ёшлар ишга олинаётир, яхши меҳнати рағбатлантирилаётир. Қишлоқдаги машинасиз атиги иккитатгина хонадон ҳам ушбу орзу-ҳаваси учун интилиб яшамоқда...

Эҳх, бу ердаги ҳаётни аввалгиси билан сира тақослаб бўлмайди...

Ёлёрнинг ҳаёти, яшаш тарзи бугунги Қўшработнинг ёш бир ишчиси тимсоли десам, нима дейсиз? Оддий, ҳалол яшаш шунақа бўлади-да, тўғрими?

ФЕСТИВАЛЬ



Айни кунларда Ўзбекистон Бадий академияси ташаббуси билан қатор вазиралик ва идоралар ҳамкорлигиде мамлакатимиз бўйлаб Халқаро тасвирий ва амалий санъат фестивали бўлиб ўтмоқда.

Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилгига бағишланган мазкур фестивал Бадий академия аъёнанаъни равишда ўтказиб келаётган энг қизиқарли лойиҳалардан биридир. Унда тасвирий санъат йўналишида ўз услуби, ижодий йўналишига эга 7 ёшдан 30 ёшгача санъаткорлар, устоз ижодкорлар қаториде мусаввирлар, талаба ва ўқувчилар ўз ижод намуналари билан иштирок этмоқда.

Ҳафта аввалида Қамоллидин Беҳзод ҳайкали пойига гул қўйиш маросими билан бошланган тадбирлар 22 апрелгача давом этади. Фестиваль доирасиде кўрғазма, тақдирот, анжуман ва семинарлар, маҳорат дарслари, миллий ва замонавий либослар намоиши каби тадбирлар режалаштирилган.

— Миллий тасвирий санъатни янада раванқ топтириш, унинг бетакрор мактаб ва аънаналарини бойитиб бориш, ижод-

кор ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасидеги эзгу савй-ҳаракатлар изчил давом этирилмоқда, — дейди Бадий академия раиси Акмал Нуриддинов. — Тасвирий ва амалий санъат фестивалининг асосий мақсиде миллий санъатимизнинг бой мероси, бугунги салоҳияти, энг асосийси, улғайиб келаётган ижодкорларни кенг жамоатчиликка яқиндан таништиришдир.

Бадий академиянинг Марказий кўрғазмалар зали атрофи ҳамда унга туташ хиёбонларда иқтидорли ёшлар юртимизнинг беқиёс гузаллигини, она табиат манзараларини қадимий қадриятларимизга минг бир жипо бериб тасвирларга кўчирмоқда. Қўлоллик, каштадўзлик, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик каби амалий санъат йўналишларида ўз ижод намуналарини жамоатчиликка намоиш қилмоқда.

Мусаффо осмон остида ижод қилаётган уста рассомлар, ёш иқтидор эгаларининг ижод намуналарини, чизаётган суратларини томоша қилар экансиз, тасвирий санъатнинг серқирра ва нозик жиҳатлари замирида инсонларни эзгуликка, яхшиликка қорловчи ажиб гузаллиқни ва ушбу санъат турлари сеҳрини ўз нигоҳларингизда ҳам илгачандай бўласиз.

САНЪАТНИНГ СИРЛИ ВА САОДАТЛИ САҲИФАЛАРИ

— Тасвирий санъат ҳафталиги давомида катта авлод вақиллари билан ёшларнинг атрофича ижодий мулоқоти учун кенг имконият яратилган. Ушбу фестивал муҳлислар билан ижодкор мулоқоти учун жуда қўлай имкониятдир. Шу билан бирга, бу тадбир устоз ва шоғирд аънанаси давом этишига, жумладан, келажаги порлоқ истеъдодлар юзага чиқишига замин яратилади.



тади. Айнакча, ёшлар учун жуда фойдали маърифий лойиҳадир, — дейди Ўзбекистон халқ рассоми Жавлон Жамбёков.

Фестиваль доирасиде ўқитувчи Корейнинг Кемён университети ўқувчи ва талабалари кўрғазмаси ҳам очилди. Унда муштарийлар ушбу мамлакат тасвирий ва амалий санъатидеги замонавий асарлар билан танишди.



— Фестиваль менда катта қизиқиш уйғотди. Айнакча, ўзбек ёшлари шижоати, қобилиятини кўриб, ҳавасим келди. Мен бу ижод олами ҳафталигиде мамлакатимизнинг гузал қадриятлари тасвирланган асарлар билан қатнашман, — дейди Кемён университети талабаси Жеонг Мин Хе.

Фестиваль дастури доирасиде “Ватан маҳалладан бошланади” мавзусидеги кўрғазма, “Энг яхши ўқув муассасаси”, “Энг яхши мураббий”, “Энг яхши тасвирий санъат асари”, “Энг яхши амалий санъат асари”, “Энг яхши кўрғазма”, “Энг яхши маҳорат дарси” танловлари ҳам ўтказилди.

Гуличеҳра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер маърузида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 1134

85049 нусхадe босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.

Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Нодир Махмудов
Мусаҳҳис: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

ЎЗА якуни — 22:08 Топширилди — 22:50